Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 168 (20. 136) • 1988 йил 23 июль, • шанба • Баҳоси 3 тийин.

- *Ғўза парваришида долзарб дамлар*
- *Озиқ-овқат таъминоти— ҳаётий вазифа*
- *Мусобақадошлар дала кезади, маслаҳат беради, танқид қилади*
- *Дўстлик ва ҳамкорликда куч кўп, ҳикмат кўп.*

«Ҳосил—88»: «Дала—редакция» телефон линиясида

КАТТА ХИРМОН УЧУН КУРАШДА

Республикамизда ғўза парвариши жадал давом этмоқда. Бу ҳақда редакциямизга кўплаб хат-хабарлар билан бирга стенография орқали қатор телефонограммалар ҳам келиб турибди. Қуйида улардан баъзиларини диққатингизга ҳавола қиламиз.

● Наманганлик жамоатчи мухбиримиз **С. Қўчқоров** хабар беради:

— Беш йилликнинг учинчи йилида Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг Тоғаймурод Имомов бошлиқ бригадаси деҳқонлари 74 гектар ердаги ғўзаларни меҳр билан парваришлашяпти. Ҳозиргача пайкалларда олти марта сифатли культивация ўтказилиб, ниҳоллар уч марта озиқлантирилди. Бу ишда механизаторлардан Давлатали Холиқулов, Ҳалимбой Асадовлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Шунингдек, коллективда сувчиларнинг меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ. Й. Тўраев, Р. Мавлонов, Э. Омонов, А. Ирисов сингари тажрибали сувчилар ғўзани саратон сувига қондириб суғормоқдалар. Ҳозир бригада далаларидаги ҳар туп ғўзада 5-6 тадан бўлиқ кўсак ва кўплаб ҳосил тугунчаларини кўрасиз. Ой охиригача кўсаклар 8-10 тага етказилиб, ғўзани танлаб чеканка қилиш бошлаб юборилади. Заршунослар муддаоси — бу йил ҳар гектар майдондан 33,1 центнердан дурдона кўтариш.

● Фарғоналик қаламкаш **Т. Отажонов** хатидан:

Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Султонқул Қодиров бошлиқ бригадаси пахтакорлари бу йил 78 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 31,5 ўрнига 35 центнердан ҳосил олишга бел боғлашган. Вақтида культивация қилинган, сифатли чопиқдан чиқарилган ва қондириб суғорилган ғўзалар текис гуллаб, шиғил кўсакка кирди.

● Бухоро областидан **Ф. Неъматов** ҳикоя қилади:

— Шофиркон районидаги Охунбобоев номли колхозининг Акром Икромов бошлиқ пахтачилик бригадаси далаларида ғўза парвариши ҳар қачонгидан қизғин. Коллектив беш йилликнинг учинчи йилида гектаридан ўртача 38 центнердан пахта етиштиришга қарор қилган.

Серғайрат механизаторлар — Маҳмуд Ҳамидов билан Исроил Шеров ҳозиргача ниҳолларнинг қатор ораларига беш мартадан ишлов беришди. Сувчиларга тажрибали миришкор — Исмоил Ярашев бош-қош.

Бригада пайкалларида барқ уриб ўсаётган ғўза тупларидаги бўлиқ кўсакларга кўзланган марраларнинг олинишидан далолат беряпти.

СИРДАРЁЛИКЛАР ФАРҒОНА ДАЛАЛАРИДА

Фарғона ва қўриқ Сирдарё областлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари узоқ йиллардан буён ўзаро мусобақалашиб келишади. Улар ўртасидаги мусобақа икки область агросаноат комплексларини ривожлантириш, пахтачиликда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг илғор усулларини кенг қўлланиш, колхоз ва совхозлар экономикасини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти.

Кеча Фарғона областига Сирдарё области қишлоқ хўжалиги ходимлари вакилларидан иборат ўзаро текшириш бригадаси келди. Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков бригадага бошчилик қилмоқда.

Сирдарёлик мусобақадошлар шу куниёқ группаларга бўлиниб, Киров, Фрунзе, Бувайда, Риштон, Ёзёвон, Қува ва Фарғона районлари хўжаликларига йўл олишди. Меҳмонлар ғўза парваришининг бориши билан танишдилар.

— Мусобақадошларимиз пахтакорларимизнинг бугунги ишлари билан танишиб, бир қатор қимматли маслаҳатлар бердилар, — дейди Фарғона область партия комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирининг ўринбосари А. Мамасиддиқов. — Улар деҳқонларимиз эътиборини биринчи галда зарарли ҳашоротларга қарши курашга қаратдилар.

Меҳмонлар ҳосил йиғимтеримига, чорва қишловига ҳозирлик ва агросаноат корхоналарида шу кунларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволига оид ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзаро текшириш бригадаси ўз ишини давом эттиряпти.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲОРМАНГ, ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ!

«...ҲОРМАНГЛАРІ» КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси минбаридан халқимизнинг ана шу чуқур мазмунли, лўндагина сўзи ўзбек тилида жаранглаб кетганда қайта қуришнинг қийин йўлларидан дадил бораётган барча совет кишилари қатори катта анжуман делегатлари кўз олдида серқуёш республикамиз пахтазорлари, ғаллазорлари, боғу роғлари, яйловлари, сабзавот, полиз, озуқа экинлари майдонлари жонланиб кетган бўлса ажабмас.

— Ажойиб сўз экан, — таъкидлади танаффус чоғида мухбиримизга унинг латвиялик ҳамкасби, конференция делегати Дайнис Иванс. — Узи биргина сўз бўлса ҳам одамларни катта ишларни бажаришга, хайрли мақсадлар йўлида бир-бирларини қўллаб-қувватлашга чақираркан...

Бугун биз худди шу сўзни мамлакатимиз коммунистлари анжуманни ғоялари билан қуролланган, руҳланган ва унинг қарорлари ижросига қатъий киришган республикамиз қишлоқ меҳнаткашларига ҳам баралла айтмоқчимиз: ҲОРМАНГЛАР!

Зеро, уларнинг фидокорона меҳнати билан йилимизнинг дастлабки ҳосил хирмонлари муваффақиятли тикланди. Қўйлардан қўзи олиш ва давлатга қоракўл тери сотиш топшириқлари барвақт бажарилди. Пиллачиликда рекорд натижага эришилди. Бугун-эрта ғалла тайёрлаш плани ҳам ўрнинланиш арафасида турибди.

Лекин бу илк муваффақиятлар бизга «ишимиз яхши кетяпти» деган кайфиятга тушиш учун ҳам ҳуқуқ бермайди. Олдимизда конференция қўйган шундай улуғвор вазифалар борки, уларнинг ижроси учун ҳали кўп, жуда кўп тер тўкмоғимиз, катта-катта ишларни амалга оширмоғимиз, айниқса, экономикада туб ислоҳотга эришмоғимиз керак бўлади.

Гапни конференция диққат марказига қўйилган озиқ-овқат муаммосидан бошлай қолайлик. Зеро, у жамиятимиз турмушининг энг нозик жиҳати, энг ўткир муаммосидир. Конференция кунлари мухбиримиз Съездлар саройида шу анжуман делегати, унда қабул қилинган резолюциялардан бири лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг аъзоси, Сирдарё область «Малик» совхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Тўхтахон Қирғизбоева билан қисқача суҳбатда бўлди.

— Мамлакатимиз озиқ-овқат муаммосини қачон ва қай йўллар билан ҳал этиш мумкин деган саволга сиз қандай жавоб берган бўлардингиз?

— Саволингиз жавобини ижарачи ва пудратчи коллективлар ишига ясалган якунлардан излаш керак, —деди Т. Қирғизбоева. —Якунлар шуни кўрсатдики, экинлар ҳосилдорлигини ҳам, чорва маҳсулдорлигини ҳам, меҳнат унумдорлигини ҳам нисбатан қисқа муддатларда тез оширишнинг ва нобудгарчиликни камайтириб, сифатли маҳсулот етиштиришнинг бирдан-бир йўли — коллектив, бригада, оила, ижара пудрати эканлиги аниқ. Вазифамиз — одамларни меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг шу янги методларига қизиқтириш, айниқса, қишлоқ меҳнаткашларини бу жараёнга кенг жалб этиш, ижрачилар ва пудратчилар ишини йўлга қўйиш, деҳқонни ернинг ҳақиқий соҳиби — чинакам хўжайинига айлантиришдан иборат...

Инсоф билан айтиш керак, бу соҳада республикамизда муайян силжишлар бор. Халқимиз қайта қуришни чин қалбдан қўллаб-қувватламоқда. Кооператорлар, пудратчилар ҳаракати кенг қулоч ёймоқда, экономикада, соцнал жабҳада ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Сўнгги икки йил мобайнида тола ва пахтадан олинадиган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди. Картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум харид қилиш бирмунча ортди. Соцнал соҳанн ривожлантиришга салкам тўрт ярим миллиард сўм ёки беш йиллик планда кўзда тутилганидан 180 миллион сўм кўп капитал маблағ сарфланди. 1987 йилнинг ўзида деҳқончиликдаги бўлинмаларнинг 80 процентн коллектив пудратга ўтиб ишлади. Чорвачиликда ўтган йилн 1985 йилга нисбатан сут ва гўшт тайёрлаш 22 процент, тухум харид қилиш 24 процент ошди. Бошқача айтганда, республика аҳолисига 65 минг тонна гўшт, 168 минг тонна сут, 260 миллион дона тухум кўп етказиб берилди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 370 килограммга ошди ва у 2316 килограммга етди.

Аммо булар бизни қаноатлантиролмайди. Аслида озиқ-овқатни кўпайтириш соҳасида биз эришган илк ютуқлар кўп жиҳатдан аҳолининг ўсиши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қоплашга кетса, демак бизга эндиликда озиқ-овқат ресурсларинн муттасил кўпайтириб боришнинг яна ҳам юқори суръатлари керак. Ундаги мавжуд муаммоларнинг ҳал этилиши муддати чўзилиб кетишига маънавий жиҳатдан ҳам, снёсий жиҳатдан ҳам ҳаққимиз йўқ.

Редакциямизга баъзан «бу соҳада олға силжиш учун нега шу қадар узоқ вақт муваффақ бўлолмаяпмиз!» — деган ҳаққоний саволлар билан хат-хабарлар келиб турибди. Узўзидан маълумки, бунинг кўп сабаблари, илдизлари яқин ўтмишга бориб тақалади. Республикамиз саноатидаги каби қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам, айниқса, пахтачиликдаги алдамчилик ва қўшиб ёзишлар ўн йилларн сезги оқибатларга олиб келди. Ер, сув ресурслари ва табиий-иқтисодий потенциаллардан фойдаланиш даражаси кескин тушиб кетди, суғорилади ган ерлар ҳосилдорлиги пасайди.

Биргина ўтган йил натижаларига назар ташланг. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 23 центнерни, сабзавот — 200, дон учун экилган маккажўхори — 35,5, полиз маҳсулотлари — 107, узум— 69 центнерни ташкил этди, холос. Кўпгина область ва районларда бу кўрсаткичлар яна ҳам паст бўлди. 1986 йилда пландагига нисбатан фақат 72 процент, 1987 йилда эса 91 процент дон йиғиштириб олинди. Шоликорликдаги аҳвол ҳам ҳануз оғирлигича қолмоқда. Гапнинг очиғи, бу экин ҳосили ўрим-йиғим даврида беҳисоб нобуд бўляпти. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш имкониятларидан қониқарсиз фойдаланиляпти. Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Хоразм областларида сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори, айниқса, паст даражада қолаётир.

Бундай мисоллар, таъбир жоиз бўлса, қалашиб ётибди. Шунинг учун ҳамки, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидаги докладида кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни камайишига йўл қўяётган регионлар қаторида республикамизни ҳам санаб ўтиб, «...турғунлик ҳолатлари Ўзбекистонда сақланиб қолмоқда» дея ташвиш билан таъкидлаб ўтди.

Вазифа — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, ташиш, асраш, ва қайта ишлашни яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг аниқ, конкрет ижросини таъминлашдан иборат. Бинобарин, кейинги вақтларда қабул қилинган қатор қарорларни тушунмаслик ва уларни амалга оширмасдан қоғоздагина қолдириб қўйишдек ҳолларга, турли бюрократик тўғонларга барҳам бериш лозим. Шуни унутмаслик керакки, агар ҳосилни обн-тобида етиштириб, ўз вақтида йиғиштириб олсак, ташишсак, нобуд қилмай қайта ишласак ва ниҳоят истеъмолчиларга вақтида, сифатли етказиб беришга муваффақ бўлсак, далалар ҳосилдорлиги ва фермалар маҳсулдорлиги ҳозирги даражасининг ўзидаёқ озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини 20—30 процент кўпайтирган бўлардик.

Кооперацияни кенг миқёсда ривожлантириш, хўжалик ҳисобини, ижара пудратини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бошқа илғор усулларини жорий этиш агросаноат комплексини бошқаришда туб ўзгартиришларни талаб қилади. Районлар ва областларда ҳозирги тарздаги агросаноат органлари эскириб қолаётганлигини тажриба кўрсатди. Чамаси, энди турмуш тақозо этган йўлдан қатъият билан олға бормоқ керак. Мамлакатимизнинг илғор хўжаликларидан намуна олган кўпгина районлар, областлар шу йўлга ўтдилар. Бунда биз қўшма хизматлар ва бошқарув органларини тузиш учун колхоз ва совхозларнинг ихтиёрий бирлашувини назарда тутяпмиз. Қишлоқ меҳнатчилари ўзларига қайси бошқарув ва хизматни уюштириш усулларн кераклигини ўзлари яхшироқ биладилар.

Партия ва совет органлари қишлоқдаги қайта қуришда, бошқарув усулларини тубдан ўзгартиришда хўжаликларга ёрдам ва мадад бериштарн, ишга халақит бераётган, янгилик йўлида ғов бўлиб турган ходимларни қатъият билан бу йўлдан суриб ташлашлари лозим.

Яна бир муҳим муаммо: қишлоқ хўжалигига қанча ресурс сарфламайлик, инсон ҳақида, унинг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилинмаса, бу ресурслар мунсиб самара бермайди. Кўпгина районларда (Қашқадарё, Сурхондарё областларн ва Қорақалпоғистон АССРда) уй-жой, социал-маданий шароитлар, қишлоқдаги тиббий хизмат паст савияда қолмоқда. Бунинг устига қишлоқ уйларининг ободончилиги ҳали қониқарлн эмас, энергия таъминотида, рўзғор техникасидан фойдаланишда қатор қийинчиликлар учраб турибди. Йўллар ҳолати кўнгилни тўлдирмайди.

Хуллас, КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси минбаридан қилинган доклад ва музокарага чиққан нотиқларнинг сўзларида алоҳида таъкидланганидек, қайта қуришнинг бугунги долзарб кезларида — беш йиллигимизнинг қоқ ярмида қишлоқ меҳнаткашлари ғоят мураккаб ва масъулиятли имтиҳон арафасида турибдилар. Уларнинг ишига берилдиган баҳо кўп жиҳатдан агросаноат комплексидаги аҳволни ва айниқса, озиқ-овқат проблемасини қай даражада тузатиш, ўнглаб олишга боғлиқ. Бу борада шубҳасиз, шу йилнинг ўзидаёқ олға томон дадил қадам ташланиши керак. Уйлаб ўтиришга вақт йўқ, фурсат ғанимат. Ундан унумли фойдаланиш, ҳар дақиқанинг, ҳар соатнинг, ҳар куннинг қадрига етмоқ зарур.

Ҳозирги босқичдаги аграр снёсатнинг моҳияти — қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришдан иборат. Биз шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий мувозанатни қайта тиклашимиз, колхоз ва совхозларнинг имкониятларини пудрат ҳамда ижарани нинг хилма-хил усулларини ривожлантириш орқали ҳар томонлама рўёбга чиқаришимиз, деҳқоннинг ердан бегоналашувини бартараф қилишимиз, уни тўла ҳуқуқли хўжайинга айлантириб, ҳар қандай буйруқбозликдан ҳимоя қилишимиз лозим. Шундагина, агросаноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини кескин оширишга муваффақ бўламиз. Шундагина, озиқ-овқат таъминотини тубдан яхшиланишига эриша оламиз.

Кўриб турибсиз, орзулар тиниқ, мақсадлар аниқ, ишлар кўп, вазифалар кўлами кенг. Уларни тўла рўёбга чиқариш—тармоқдаги барча касб эгаларининг бир-бирларини нечоғли тушунишларига, ягона мақсад сари яқдил интилишларига, ҳар ишда бир-бирларини қўллаб-қувватлашларига боғлиқ. Қайта қуришнинг қийин йўлида ҲОРМАНГЛАР, қишлоқ меҳнаткашлари!



АНДИЖОН. Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхоз заршуносларн шу йилдан бошлаб «Андижон—13», «Қирғизистон—3» кабн янги истиқболли пахта навларн уруғликларн етиштиришга киришдилар. Шу кунларда хўжалик далаларида муҳим агротехник тадбир — чеканка механизациялашган усулда жадал давом этяпти. Ниҳолларга тўртинчи ишлов бериш тугалланди. Пахтакорлар Ватанга 5400 тонна «оқ олтин» сотишга (бунинг 2 минг тоннаси уруғлик ҳосил) ахд қилганлар.

Суратда: пахтачилик бригадасн бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Мўйдинова ва хўжалик бош инженери И. Исроилов чеканка сифатини кўздан кечиришяпти.

Р. АШУРОВ фотосн (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев раислигида 21 июль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда кўп мандатли округларда сайланган депутатларнинг ташаббуси ва активлигини ривожлантириш юзасидан Наманган область Норин район халқ депутатлари Советларининг иши кўриб чиқилди. Норин район ижроия комитетининг раиси Р. Х. Худойбердиев ҳисобот берди.

Президиум район Советларининг эксперимент шароитида депутатлар фаолиятини кучайтириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб борaётган ишини қайд этди. Маҳаллий Советларга жамиятни демократиялашнинг асосий йўналишини амалда рўёбга чиқариш — халқнинг тўла ваколатли ҳокимият органлари бўлмиш Советларнинг роли ва ваколатларини тўла ҳажмда тиклаш соҳасидаги ишни давом эттириш таклиф қилинди.

Президиум Бухоро область Свердлов район халқ депутатлари Советларининг якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш борасидаги фаолиятини маъқуллади ҳамда уни оммалаштириш учун тавсия этди. Республика халқ депутатлари Советларига якка тартибда уй-жой қурилишини кенг миқёсда ривожлантириш, шу мақсадда барча мавжуд резерв ва имкониятлардан фойдаланиш, қишлоқ жойлардаги хўжаликларнинг ёрдамчи корхоналарини ривожлантириш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи кооперативлар барпо этиш, корхона ва ташкилотларнинг маблағларини уй-жой ҳамда социал-маданий-маиший объектлар қурилишига жалб этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни кўриш топширилди.

Ўзбекбирлашув, омонат банк правленнеларига республика халқ депутатлари Советларининг тегишли ижроия комитетлари билан биргаликда якка тартибда уй-жой қурувчиларнинг эҳтиёжлари учун бинокорлик материалларн ва пул маблағларн ажратиш тажрибасини таҳлил этиш, уларни тўғри тақсимлашга, улардан янада оқилона фойдаланишга тааллуқли конкрет чора-тадбирларни кўриш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Республика матбуотида эълон қилинган «Аёл кишининг баҳоланиши ва чуқур текширилиши кераклиги таъкидланди.

Президиум республика Соғлиқни сақлаш, Маориф, Юстиция, Ички ишлар министрликларининг, Ҳунартехника таълими давлат комитетининг юқоридаги қарорни бажариш соҳасидаги ишини етарли эмас, деб ҳисоблади ҳамда уларнинг зиммасига мазкур қарорни сўзсиз бажариш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш вазифасини юклади. Мазкур масалани муҳокама қилишга оид материаллар матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда республика давлат турмушининг бошқа масалалари кўриб чиқилди, шу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама этишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси, Ўзбекистон Хотин-қизлари республика кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова қатнашдилар.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ—КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ

МАҚСАДИМИЗ— АҲИЛ ЯШАШ

Етмиш бир йилдирки, кўп миллионли халқимиз ягона, дўст ва жипс оилага бирлашиб яшамоқда. Мақсадимиз ҳам ягона — коммунизм қуриш. Улуғ Октябрь инъом этган бу дўстлик ва қардошлигимиз ҳавас қилса қилгудай. Қайта қуриш ва янгиланиш даври халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги-янги қирраларини ҳам очиб беряпти. Аммо ошкоралик ва демократиядан ғаразли мақсадларни кўзлаётганлар ҳам йўқ эмас. Буни Тоғли Қорабоғ автоном областида бўлаётган воқеалар ҳам тасдиқлаётир.

Мен СССР Олий Совети Президиумининг ана шу воқеа-муносабати билан бўлиб ўтган мажлиси ҳақидаги материалларни синчиклаб ўқиб чиқдим. Ўртоқ М. С. Горбачев шу мажлисда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, Тоғли Қорабоғ ва унинг атрофида бўлаётган воқеаларга шу ерда истиқомат қилаётган меҳнаткаш халқ эмас, балки социализмга қарши, Советларга қарши, русларга қарши шиорлар билан чиқаётган агрессив кайфиятдаги газандалар асосий сабабчи бўлмоқдалар.

Мен ишлайдиган металлургия заводи коллективи ҳам кўпмиллатли. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам Тоғли Қорабоғда бўлаётган воқеаларга ўз муносабатларини билдириб, бутун бир халқнинг бир ҳовуч миллатчилар қутқусига учаётганига таассуф билдирмоқдалар. Куни кеча заводимиз ишчи ва хизматчилари билан бўлган учрашувда ўзим делегат бўлиб қатнашган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳақида сўзлаб бердим. Коллективимиз конференция резолюцияларини, шу жумладан, «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюцияни ҳам тўла маъқуллади. Ана шу йиғилишда СССР Олий Совети Президиуми мажлисида Тоғли Қорабоғ автоном области масаласи чуқур муҳокама этилиб, уни оқилона ҳал этиш йўл-йўриқлари белгилаб олинаётгани бир овоздан маъқулланди. Завод меҳнат аҳли қабул қилинган қарорларни тўла қўллаб-қувватлар экан, айни пайтда халқларимиз дўстлигига ҳеч нарса рахна сололмаслигини айтдилар.

А. МИРЗАМАТОВ,
Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи пўлат қуювчиси, цех партия ташкилоти секретари, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати.

ТЕНГЛАР ОИЛАСИ

Биз, машинасозлар СССР Олий Совети Президиумининг озарбайжон ва арман халқлари муштарак манфаатларини назарда тутган қарорини астойдил қўллаб-қувватлаймиз. Иттифоқимиздаги барча халқлар тенг ҳуқуқли ва ягона оиладир. Мамлакатда авж олиб бораётган катта бунёдкорлик ишларида бирдам эканлигимизни сира унутиш мумкин эмас.

Бирлашмамиз бўлинмаларида турли миллат вакиллари баҳамжиҳат ишлаб, умумий ишга тобора кўпроқ ҳисса қўшиш ҳаракатида. Ишчи коллективимиз орасида ўзбеклар ҳам, руслар, украинлар ҳам бир оила фарзандлари каби аҳил ва иноқ. Тўйларимиз, уй қурганда ҳашарларимиз маҳалладош, корхонадошларимиз билан бирга ўтади. Ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам дўстлигимизни тоблантирмоқда.

Биз кўпмиллатли мамлакатда яшамоқдамиз. Тарихий тақдиримиз ҳам ўхшаш. Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш соҳасида партия ҳамда ҳукуматимиз кўраётган тадбирларда барча миллатлар ҳамда элатларнинг манфаатларини ҳисобга олаётгани айниқса, қувончлидир. Худди шундай қилиш бизнинг асосий бойлигимиз — Ватанимиз қудратига, барча совет халқларининг бузилмас дўстлигига кафолатдир.

Озарбайжон ва Арманистондаги қардошларимиз Тоғли Қорабоғ масаласини тадбиркорлик билан одилона ҳал этишларига ишончимиз комил. Чунки бизнинг, ҳаммамизнинг мақсад ва интилишларимиз муштаракдир.

Н. СОЛИҲОВ,
Тошкентдаги «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш бирлашмаси смена мастери, шаҳар Совети депутати.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети миллий байрам — Польша тикланганлигининг 44 йиллиги муносабати билан ПВИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельскийга, ПХР Министрлар Советининг Раиси З. Месснерга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада таъкидланадики, КПСС XXVII съезди билан ПВИП X съезди икки томонлама ўзаро ҳамкорликка нисбатан ишлаб чиққан янгича ёндашувлар, СССРдаги қайта қуриш ҳамда ПХРда рўёбга чиқарилаётган социалистик янгиланиш ва ислоҳотлар йўли Совет — Польша муносабатларини сифат жиҳатидан анча юксакроқ даражага кўтариш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг 1988 йил июлида ПХРга қилган расмий дўстлик визити, визит чоғида эришилган ядномалар бу жараёнга қудратли омил бағишлади.

(ТАСС).

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюциялари—амалий иш программаси

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ўз ишини тугатганига икки ҳафтадан кўп бўлди. Конференцияга, ҳеч муболағасиз, бутун совет халқи катта умид боғлаган эди. Бу умидлар тўла оқландими ёки қисманми? Бу хусусда ҳар кимнинг ўз фикри бор — жуда кўп хатлар ва баъзан матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган қарама-қарши мақолалар ана шундан далолат бериб турибди.

Бутун совет халқи турмушининг туб муаммоларини ҳал қилган коммунистлар анжуманининг барча тафсилотларига одамлар қизиқиши сўнмаётганлиги учун ҳам конференция делегатлари ҳозир ҳамманинг эътибори марказида турибдилар. Ҳамма конференцияда қатнашган кишиларнинг гапларини эшитишни, партия конференциясидаги ошкоралик, принципиаллик ва ишчанлик муҳитини яна бир бор ҳис этишни хоҳлайди ва ана шу муҳитни биз кундалик ишларимизда сақлаб қолишни истаймиз.

Конференция делегатлари қайтиб келишлари биланоқ кундалик ишга киришиб кетдилар. Аммо бу кундалик ишларни ҳозир уларнинг кўплари олдингидек эмас, балки янада собитқадамлик билан, зўр ғайрат ва жасорат билан амалга оширмоқдалар. Партия конференцияси қарорларини рўёбга чиқаришни бошлаб юбориш учун кимларнингдир буйруқ, фармойиш ва йўл-йўриқ беришини кутишга ҳожат йўқ — ҳамма нарса ўша ерда айтилди. Эндиликда кундалик, жадал меҳнат билан шуғулланиш зарур.

Шунга қарамай баъзи делегатлар, айниқса, партия конференцияси арафасида очиқ сиртқи партия йиғилишида иштирок этган кишилар ўз режалари билан ўртоқлашишга, конференциядан қандай кайфият билан қайтганликлари ва ўз ишларини қандай қурмоқчи эканликлари ҳақида сўзлаб беришга вақт топдилар.



Сирдарё областидаги «Малик» совхози пахтачилик бригадаси бошлиғи, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Тўхтахон Қирғизбоева XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан бир олам таассурот ва янги режалар билан қайтди. У меҳнаткашлар билан бўлаётган учрашувларда конференция руҳи ва талаби асосида ишлашга интилиш лозимлиги ҳақида гапирмоқда.

Суратда: Т. Қирғизбоева хўжалик мутахассислари даврасида.

Б. ЮСУПОВ фотоси (ЎзТАГ).

КАТТА ИШЛАР КУТМОҚДА

СИРТҚИ ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИ

ШАХСАН мен конференцияда минбарга чиқиб сўзлай олмадим, — деб афсусланди шоферлар бригадири, Жиззах область автомобиль трестига қарашли 2517-автоколонна бошланғич партия ташкилотининг секретари **Эргаш ЖЎРАБОЕВ.** — Сўзга чиқиш учун ёзилганимда рўйхатда 269-бўлган эдим. Менинг кўз олдимда сўзга чиқиш учун ёзилганлар 372 кишига етди. Бундай активликни ҳали ҳеч қачон кўрмаган эдим. Шунга қарамай ишончим комил: **XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларида менинг фикрим ҳам ҳисобга олинган — мен буни анжуманнинг якунловчи ҳужжатларида кўриб турибман.**

Конференциядаги муҳитнинг ўзи менга жуда ёқди. Баландпарвоз гапларсиз, иш юзасидан ва чин кўнгилдан гапириш керак, деб ўзим учун хулоса чиқардим.

Москвадан қайтиб келаётганимизда конференция қарорларини қандай қилиб амалга ошириш тўғрисида ўзаро гаплашиб олдик. Юқоридан кўрсатма бўлишини кутиб ўтирмаймиз, деб аҳд қилдик.

ҲОЗИР XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси барча делегатларининг кайфияти ана шундай. Қашқадарё область Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз директори **Раҳматулла ОМОНОВ** бундай дейди:

— Уйга яхшироқ ишлаймиз деган жуда катта истак билан қайтдик. Чунки, партия конференцияси асосий масалалардан бирига аслида аниқ жавоб қайтарди: **демократик асосларни ривожлантириш орқалигина жамиятни ривожлантиришни таъминлаш мумкин.** Агар қаерда ва нима иш қилиши, ишлаб топган пулини қандай тасарруф этиш деҳқоннинг ўзига қўйиб берилса, Озиқ-овқат программаси, социал программа ҳам тезроқ ҳал бўлади. Масалан, биз ижара пудратига ўтишни бошлаб юбордик, чек системасини жорий этдик, бу эса хўжаликнинг молиявий аҳволини бирмунча яхшилашга ёрдам берди. Партия конференциясида Белгород областидаги касбдошлар билан, жумладан, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Фрунзе номли колхоз раиси Т. Горин билан танишдим. Уларнинг ўзини-ўзи пул билан таъминлашга, пудрат усулига ўтиш тажрибасидан тўла фойдаланамиз, деб ўйлайман. Энди пишиқ-пухта қишлоқ хўжалик техникасига эга бўлишимиз лозим — эскиси бизни қониқтирмайди. Ана ўшанда лалми ерларнинг гектаридан йигирма-ўттиз центнер дон ҳосили олиш оддий тусга киради.

БУТУНИТТИФОҚ партия конференцияси делегациялари орасида қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам кўп эди. Қашқадарёдаги совхоз директори каби бу ходимларни ҳам Озиқ-овқат программасини ҳал этиш, қишлоқни социал-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокамаси жуда қизиқтирди. Уларнинг кутганларидек бўлиб чиқди: конференция қишлоқда турмушни қайта қуриш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини такомиллаштиришдан кўра муҳимроқ вазифамиз йўқлигини таъкидлади. Бухоро область Свердлов районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси **Халил ҲАМРОЕВ** колхознинг бу соҳадаги ютуқларини қуйидагича баҳолайди:

— Хўжалигимизда кейинги икки-икки ярим йил ичида социал-маданий-маиший соҳада кўп иш қилинди. Колхоз қишлоқларини газлаштириш тугалланди, йўлларга асфальт ётқизилди, суғориш тармоқлари бетонлаштирилди, янги мактаб, болалар боғчаси, стадион қурилди. Буларнинг ҳаммаси колхоз даромади ошганлиги, фойда ола бошлаганлигимиз туфайли амалга оширилди. Лекин ҳозир, конференциядан кейин, **мумкин бўлган ишларнинг ҳаммаси тўла рўёбга чиқарилмаганини сезиб турибман.**

Конференция вақтида Россия, Украина, Латвия, Эстония колхозларининг раислари билан суҳбатлашдим. Тажрибаларни баҳам кўрдик. Мақтанишга арзигулик ишларимиз йўқлигини тушундим. Чунончи, колхозда 150 тадан кўпроқ пудратчи оилавий звено тузилган, ҳолбуки ҳамма звеноларни ана шу методга ўтказиш лозим эди. Одамларнинг ерга, ишга муносабати ўзгарди, албатта, лекин биз истаганча эмас. Муаммолар ҳам бор. Ана шу муаммолардан бири шуки, коллектив, оила ва ижара пудратини жорий этиш натижасида бўшаб қолаётган колхозчиларни нима қилиш керак? Уларни иш билан таъминлаш учун йилига 4 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод, оҳак цехи, помидор шарбати ишлаб чиқарадиган цех қурдик, мева шарбати ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди. Лекин булар ҳали камлик қилади — дурадгорлик цехи, тикиш устахонаси қуришимиз лозим.

Бундай конференциядан кейин ёмон ишлашнинг ўзи уят.

КОНФЕРЕНЦИЯ делегатларининг ўзини-ўзи танқид қилиш руҳидаги сўзлари, мулоҳазаларидан уларнинг ҳар бири эшитган ва кўрган нарсаларини мушоҳада қилаётгани, ўз хўжалиги, ўз корхонаси ишларини ана шу мезон билан ўлчашга уринаётганлиги сезилиб турибди. Бунинг устига бевосита дахлдор бўлган муаммолар, айтайлик, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги камчиликлар каби муаммоларгина эмас, умумбашарий аҳамиятга молик жаҳоншумул муаммолар ҳам одамларни ҳаяжонга солди. Уларнинг кўпчилиги учун партия конференцияси онгда ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлди. Масалан, «Наманганводстрой» трестига қарашли Попдаги 2-механизациялашган кўчма колонна экскаватор машинисти **Рўзибой СУЛАЙМОНОВ** бундай мулоҳаза қилмоқда:

— Менинг бутун ҳаётим Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларни яшнатиш билан боғлиқ. Ҳақиқий ғамхўрликка жавобан ер нақадар сахийлик билан ҳосил беришини яхши биламан. Хўжасизликдан ерга қанчалик шикаст етиши ҳам маълум. Шу сабабли ўйламай муносабатда бўлиш табиатга етказаётган шафқатсиз зарар тўғрисида конференция минбаридан билдирилган ташвишлар менга, айниқса, тушунарлидир.

Мени кўпдан буён ҳаяжонга солаётган ва мен ўзим ғоят долзарб деб ҳисоблаётган муаммо ҳақида индамай туролмайман. Гап мелиораторлар янги ерларни ўзлаштириш технологиясини қўпол равишда бузаётганликлари ҳақида бормоқда. Табиат тупроқнинг бир неча сантиметр қалинликдаги устки гумус қатламини барпо этиши учун кўп асрлар талаб қилинади. Деҳқонлар техника етиб бормаган қўриқ ерлар ҳар қандай экиндан мўл ҳосил беришини биладилар. Аммо биз далаларимиз баъзан жуда кам ҳосил бераётганлигини кўриб турибмиз. Нима учун шундай бўлмоқда? Шунинг учунки, тупроқнинг устки унумдор қатламини тўплаб қўйиб, ер текисланганидан сўнг ана шу тупроқни ёзиб юбориш ҳақидаги талаб ҳамма жойда бузилмоқда. Амалда эса ана шу унумдор қатлам чуқурларга кўмиб юборилмоқда. Бундай «ўзлаштириш»дан кейин экин майдонлари кўпинча шағал, қум билан қопланган унумсиз пайкаллардан иборат бўлиб қолади. Шундан кейин бундай далаларга кўп йиллар давомида аямай минерал ва маҳаллий ўғит солиш бошланади. Лекин гумус қатлами бўлмаса, бу тадбирлар самара бермайди.

Бу муаммо маҳаллий Советлар ва партия комитетларининг жиддий эътибор беришига лойиқдир. **Янги ерларни ўзлаштириш чоғида тупроқнинг гумус қатламини сақлаб қолиш устидан қаттиқ контрол ўрнатиш зарур. Бу Озиқ-овқат программасини бажаришни жадаллаштиришнинг улкан резервидир.**

КОНФЕРЕНЦИЯ фақат тўрт кун давом этди, бироқ мана шу тўқсон олти соат ичида жуда кўп катта воқеалар юз берди. Жуда кўп делегатларнинг далолат беришларича, улар баъзан ҳатто ўзларига бошқача кўз билан қарадилар, ўз потенциал имкониятларини кашф қилдилар. Улар ишларнинг аҳволини мамлакат бошқа регионларидан келган коммунистлар гапларига қиёслаб, ўз камчиликлари ва нуқсонларини яққолроқ ва равшанроқ кўра бошладилар, уларни бартараф этиш йўлларини белгиладилар. Бу хусусда Наманганадаги КПСС XXV съезди номли машинасозлик заводининг бригадири **Исмоил ОХУНОВ** қуйидагича мулоҳаза қилмоқда.

— Партия конференциясида қайта қуришнинг муқаррарлигини таъминлаш, унга ҳужумкорлик бахш этиб, жадаллаштиришнинг энг тўғри йўлини топиш мақсадида авж олган ўткир ва ошкора мунозара унутилмас таассурот қолдирди.

Хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашни кенг жорий этмай туриб, мамлакат экономикасини юксалтириб бўлмаслигини конференция яна бир бор тасдиқлади. Бизнинг заводимиз икки йилдан буён ана шундай шароитда ишламоқда. Хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш давлат қабули билан биргаликда маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш ва экспорт учун маҳсулот етказиб беришни кенгайтиришга ёрдам берди. Бу жуда фойдали иш, биз уни ривожлантираверамиз. Ҳозирча биз қардош Болгария билан амалий алоқа ўрнатганмиз, бу алоқа коллективимизга чет эл валютасида 300 минг сўм фойда келтирди. Келгуси йилдан бошлаб маҳсулотимизни Ҳиндистонга экспорт қила бошлаймиз.

Буюмлар сифатини мунтазам яхшиламай туриб, ташқи бозорда рақобатга бардош бериб бўлмайди. Шу муносабат билан биз коллективимизда техникавий ва иқтисодий ўқишни қайта қуришимиз лозим.

Конференция якунларини мушоҳада қилиб мен шундай хулосага келдимки, партия турмушини демократиялаш партия комитетлари раҳбарларининг бошланғич ташкилотлари билан бевосита алоқасини мустаҳкамлашни талаб қилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари оддий партия аъзолари ва меҳнат коллективлари билан тез-тез учрашиб туришлари лозим.

ҲАР бир делегат конференциядан катта таассуротлар билан қайтди. Ҳозир улар ишдаги ўртоқларига, турли меҳнат коллективларида ўз таассуротларини сўзлаб бермоқдалар. Янгиердаги Ленин номли бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати темир-бетон буюмлар заводининг кранчиси **Л. М. ХАНЯКИНА** ҳам шу ҳақда гапиради:

— Мен блокнотимга делегат Святослав Федоровнинг сўзларини ёзиб қўйдим: «...Нима учун область партия комитетларининг секретарлари беш йил ичида областда неча киши бахтли **бўлгани ҳақида гапиришмаяпти. Си**гирларнинг 16 процент кўпроқ сут бера бошлагани мени қизиқтирмайди. Мени қанча киши яхшироқ яшай бошлагани, янада бахтлироқ бўлгани қизиқтиради...». Ҳар бир раҳбар, ҳар бир коммунист худди шундай ўйлаши керак.

Мен цех партия ташкилотининг секретариман. Энди аниқ тушуниб олдим: юқоридан кўрсатма бўлишини кутмаслик керак, балки ҳар ким ўз ишида коллектив эҳтиёжларига, унинг ишлари ва ташвишларига ҳар куни ва ҳар соатда ўз фикрини билдириши лозим. Шундай бўларди: шаҳар партия комитети у ёки бу масалани маълум конкрет муддат ичида мажлисда кўриб чиқишни тавсия қиларди. Балки бизда шу масалани олдинроқ кўриб чиқиш зарурати бордир? Ёки аксинча вазиятга қараб, бу масалани кўриб чиқишни кечиктириш мақсадга мувофиқ бўлар. Жонли, бевосита иш олиб бораётган биз, коммунистларга бу аёнроқ, албатта. Партияга қабул қилиш хусусида ҳам худди шундай. Ҳеч қандай разнарядка ва юқоридан тазйиқ бўлмаслиги керак.

Яна бир фикр. Бизнинг партия ташкилотимизда жанговарлик кўриги тугалланди. Конференцияда эса партиянинг навбатдаги съездига қадар коммунистларни аттестациядан ўтказмаслик қарор қилинди. Аммо мен жанговарлик кўригини давом эттириш, фақат бошқачароқ шаклда давом эттириб, КПСС аъзолари конкрет партия топшириқларини қандай бажараётганликларини текшириш керак, деб ҳисоблайман. Ҳар бир коммунистда партия топшириғи бўлиши керак.

Мен партия конференциясида қатнашдим — ўзимни бахтли деб ҳисоблайман.

ДЕЯРЛИ барча делегатлар ўзларининг партия конференциясидаги иштирокларини шундай баҳоламоқдалар. Масалан, бу хусусда «Навоиазот» бирлашмасининг аппаратчиси **Т. Г. ПАХОМОВА** бундай деди:

— Конференция энг мураккаб ва энг муҳим масалалардан бири — пухта созланган самарали хўжалик механизмини вужудга келтириш масаласини ҳал қилишга бутун масъулиятни ҳис этиб дадил киришди. **Менинг фикримча, бу ишга, ҳозир қайси лавозимда бўлишдан қатъи назар, ҳамма қўшилиши керак.** Москвадан қайтиб келганимдан кейин ўртоқларим билан учрашувда ҳам шу ҳақда гапирдим. Бирлашмамизда эса ишлар ва муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Биз планни бажараётган бўлсак ҳам, шартнома асосида маҳсулот етказиб беришни барбод қилмаётган бўлсак ҳам, маҳсулот сифати кўнгилдагидек эмас. Машина-ускуналар тўла қувват билан ишламаяпти.

Хом ашёдан ҳамиша оқилона фойдаланилмайди. Бинобарин, ҳар қадамда резервлар бор ва уларни тезроқ ишга солиш керак. М. С. Горбачев тўғри айтди: қайта қуриш етиб келади, деб кутиб ўтирмасдан, уни ўзимиз амалга оширишимиз керак.

ОДДИЙ ишчи ана шундай ўйламоқда. Аммо партия ва совет ходимлари, катта олимлар, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари ҳам тахминан худди шундай фикрлар билан банддирлар. Умумий ҳамфикрлик тўғрисида гапиришга ўрин йўқ, албатта — мамлакатимизда тобора кўпроқ одамлар турмушимизнинг хилма-хил муаммолари юзасидан ўзларининг қатъий позицияларига эга бўлмоқдалар.

— Партия конференциясида партиямиз ва мамлакатимиз тақдирига тааллуқли бўлган долзарб масалалар ленинча руҳда муҳокама қилинди ва ҳал этилди, —деди Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **Ҳабибулло Зайнобиддинович НИЗОМИДДИНОВ.** — Коммунист, катта корхонанинг ёш раҳбари бўлган мен учун партия конференцияси катта ҳаёт мактаби бўлди, ундан ўз амалий ишим учун шундай асосли хулоса чиқариб олдим: **«Ишнинг фойдасини кўзлаб мустақил равишда дадил ҳаракат қилавер».**

Конференцияда партия ва совет органлари вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, партия комитетларининг корхоналар, колхозлар ва совхозлар хўжалик фаолиятига аралашмаслиги тўғрисида тўғри гапирилди. Эндиликда ана шу қоидани тезроқ ҳаётга жорий этиш керак.

БУТУНИТТИФОҚ партия конференциясида катта хатоларга, ижтимоий турмуш ва тараққиёт нормалари бузилишига принципиал баҳо берилганини ҳаммамиз эслаймиз. Бу номига танқид қилиш, одамларни бир силкитиб сергаклатиб қўйиш учун қилингани йўқ. Балки қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақиқатни тиклаш, иш ва турмушнинг ленинча принципларини қайта тиклаш муддаоси билан қилинди. Делегатлар партиянинг бу муддаосини умуман маъқулладилар. Навоий область Нурота районидаги «Ғозғон» давлат наслчилик совхози бош чўпони **Ғаффор ОБИДОВ** бундай деди:

— Ўтмиш сабоқлари аччиқ. Бир неча ўн йиллар давомида ҳаётимиз ва ишлашимизга тўсқинлик қилиб келган кишиларга конференция тегишли баҳо берди. Энди ҳаммамиз гапдан амалий ишга ўтишимиз, айниқса, қишлоқ хўжалигида энг муҳим муаммоларни ҳал қилишимиз керак. Бу ерда, энг аввало, ерга унинг соҳибини қайтариш лозим. Бизнинг чўпонлик ишимизда кўпгина меҳнат анъаналари йўқолиб кетди, ёшлар мол боқишни хоҳламаяптилар. Чунки ҳозирги вақтда чўпон таёғини кўтариб сурув кетидан юрибгина қолмай, кўпгина илмларни ҳам эгаллаш лозим. Яъни саводхон, билимдон кишилар керак.

Ҳозир тикланаётган ижара, оила пудрати бу муаммони ҳал қилишимизга ёрдам беради, деб ўйлайман. Олдинги хато ва нуқсонлардан хулоса чиқарар эканмиз, ҳозир бундай хатоларни қилмасликка интилишимиз лозим. Бироқ ҳозиргача, масалан, бизда текисчилик сақланиб қолмоқда, қолоқлар илғорлар соясида бемалол кун кўрмоқдалар. Бундай тайёрга айёрлик руҳиятига қатъий чек қўйиш керак.

ПАРТИЯ конференцияси делегатларида умумий таассуротлар муайян шахсий таассуротлар билан чатишиб кетади. Шундай бўлиши тушунарлидир: партия анжумани одамларда ўз хўжалигидаги, ўз корхонасидаги ишларнинг аҳволини янада конкретроқ идрок этиш эҳтиёжини уйғотди. Уларнинг кўпчилиги иш жойларига қайтиб келгач, ҳар бир соҳадаги ишнинг аҳволини яна бир бор таҳлил қилиб, қаерда ишни бой бераётганимизни, қаерда қўлдан чиқариб юбораётганимизни аниқлашга уриндилар. Ишлаб чиқаришга тааллуқли юмушларга бундай манфаатдорлик билан муносабатда бўлиш конференциянинг яна бир фойдасидир. Янгиариқ районидаги «Биринчи Май» колхози машинада сут соғиш оператори **Ҳанифа ЖУМАБОЕВА** ҳам ҳозир ана шундай позицияда туриб ишламоқда.

— Кўп йиллар давомида биринчи марта инсон қадр-қиммати, ҳар бир кишининг ўзича ўйлаш ҳуқуқи, ўз фикрини дадил айтиш ҳуқуқи тўғрисида чинакам, ошкора гап борди.

Колхозимиз сўнгги йилларда районда илғор хўжаликлар қаторига чиқиб олди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўп турларини етиштириш планларини ошириб бажараяпмиз. Хўжалигимизда ёрдамчи ҳунармандчилик ташкил этилган бўлиб, муваффақиятли ишламоқда ва фойда келтирмоқда. Ишимиз муваффақиятларининг сабабларидан бири шуки, биз майда-чуйда ишларга аралашишдан бошқаларга нисбатан олдинроқ қутилдик. Хўжаликда ҳаёт учун зарур бўлган ишларни қила бошладик: уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, йўллар қуришга киришдик.

Аммо буларнинг барчаси бизда муаммо йўқ, деган маънони билдирмайди. Партия конференциясида сут соғувчи аёллардан бири ўз хўжалигида ҳар сигирдан қанча сут соғиб олинаётганлигини айтди — 6 минг килограмм экан! Бизда эса, уч баравар кам. Агар областимизда ем-хашак етиштириш масалаларига кўпроқ эътибор берилганида, ана шу «афсонавий» рақам бизнинг фермаларимиз учун ҳам яна яқинроқ ва реалроқ бўлур эди.

КОНФЕРЕНЦИЯ тугади, лекин делегатлик ваколатларини четга ташлаб қўймоқчи эмасмиз — партия анжуманига Ўзбекистондан вакил бўлиб борган кишиларнинг кўплари ҳозир тахминан шундай демоқдалар. Ўзлаштирилган жанговарлик фазилатлари архивга топширилмайди, улар ҳозир амалий ишларимизга жуда зарур. Термиз районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи **Олламурод ХОЛНИЕЗОВ** шу ҳақда гапирди:

— Конференциядан қайтганимиздан сўнг биз учун тиғиз иш тугамаганлигини, делегатлик ваколатларини йиғиштириб қўйишга вақт эрталигини тушундим. Конференцияда айтилган гаплар меҳнат коллективларида, кўча-кўйларда, оилаларда қизғин муҳокама қилинмоқда, делегатлардан аниқ ва равшан жавоб беришни, фаол ҳаракат қилишни кутишмоқда.

Мен бундай тушунаман: мисол учун, пахтачиликдаги ишларнинг аҳволи қандай ўзгариши, қишлоқларимизда социал ва иқтисодий муҳит қандай ўзгариши шахсан менга ҳам боғлиқ. Шу кунларда мен учрашаётган кишиларнинг ҳаммаси республикамизда қишлоқ экономикасини юксалтириш юзасидан қатъий ва изчил чоралар кўрилади, деб ишонч изҳор қилмоқдалар.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегатларининг сиртқи республика партия йиғилиши тугади, унда элликка яқин киши иштирок этиб, хилма-хил проблемалар хусусида гапирдилар, ўз мулоҳазаларини айтдилар. КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиш деярли бир ой давом этди, мана энди эса Ўзбекистон вакилларининг таассуротлари ҳам муҳокама қилинди.

Матбуот саҳифаларида билдирилган фикрлар хилма-хил бўлишига қарамай асосий масалада делегатларнинг фикри бир хил: қайта қуриш тобора тезроқ суръатлар билан олға томон ҳаракат қилиши керак. Делегатлар ўртага қўйган конкрет таклифларга келганда эса, улар ўз вақтида КПСС Марказий Комитетига етказилгани ва уларнинг кўпи партия конференцияси якунловчи ҳужжатларида ҳисобга олинганига ҳамма ишонч ҳосил қилди. Шу жиҳатдан сиртқи партия йиғилиши ўзининг асосий вазифаларидан бирини бажарди, деб ҳисоблаш мумкин. Ана шу мажлис давомида яна бир муҳим вазифани ҳал этишга муваффақ бўлинди. Агар газетхонлар сезган бўлсалар, сўзга чиққан делегатлардан кўпчилигининг номи илгари матбуотда деярли пайдо бўлмаган эди. Ҳозир эса биз уларнинг орасида ақлли, моҳир нотиқлар, пропагандистлар кўплигини, улар ностандарт фикрлай олишларини, уларнинг мулоҳазалари ва хулосалари ҳамма учун қизиқарли эканлигини биламиз. Уларнинг ўзлари ҳам ошкоралик амалда қайта қуришнинг қудратли қуроли эканлигини тушуниб етдилар — чунки уларнинг кўпгина танқидий мулоҳазаларига дарҳол қулоқ солинди ва камчиликлар имкониятга қараб жадал бартараф этилди. Шу сабабли биз юзлаб, минглаб кишилар фаол иштирок этадиган бундай республика йиғилишлари демократик асослари тобора чуқурлашиб бораётган жамиятимиз ҳаётининг нормаси бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

Конференция бўлиб ўтди, бизнинг сиртқи йиғилишимиз ҳам тугади. Олдинда катта амалий ишлар кутмоқда. Ҳар бир киши ўз иш жойида мумкин қадар кўпроқ ишни бажарсагина, биз олдимизга қўйилган вазифаларни уддалай оламиз. (ЎзТАГ).

ОРБИТАДА ТУТАШУВ

ТАСС АХБОРОТИ

1988 йил 21 июль куни Москва вақти билан соат 2 дан 34 минут ўтганда «Прогресс—37» юк кемаси одам бошқараётган «Мир» комплекси билан туташтирилди.

Ўзаро излаш, яқинлашиш, бақамти келиш ва туташиш борт автоматикаси ёрдамида бажарилди. Бу жараёнлар учишни бошқариш маркази томонидан ердаги команда-ўлчов комплекси билан ўзаро алоқада, шунингдек космонавтлар Титов ва Манаров томонидан назорат қилиб турилди.

«Прогресс—37» кемаси «Квант» модули томонидан комплексга туташтирилди. Орбитага станциянинг бирлашган мотор қурилмаси учун ёқилғи, озиқ-овқат, сув, асбоб-ускуна ва аппаратлар, шунингдек хат-хабарлар элтиб берилди.

Телеметрия ахборотининг маълумотларига ва экипаж берган маълумотларга қараганда, одам бошқараётган «Мир» комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Владимир Титов билан Муса Манаров ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Н. ЗОКИРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Низомиддин Зокиров Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 21 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети **Президиуми:**

Корхонанинг барқарор ишлашини таъминлашга, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга катта ҳисса қўшганлиги ҳамда жамоат турмушида фаол қатнашаётганлиги учун СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлигининг Олмалиқдаги КПСС XXVI съезди номли химия заводи ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Полина Федоровна **Семичевага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвони берди;

Ўн иккинчи беш йиллик икки йилининг план топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари, маҳсулот сифатини яхшилаганликлари, хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашда юксак кўрсаткичларга эришганликлари ҳамда жамоат турмушида фаол қатнашаётганликлари учун СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлигининг Олмалиқдаги КПСС XXVI съезди номли химия заводи ходимларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет, хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Навоий область Хатирчи район халқ депутатлари Янгиработ поселка Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Адолат Жабборовна **Мўминовани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари, халқ хўжалик планларини бажаришдаги муваффақиятлари ва жамоат турмушида фаол қатнашаётганлиги учун Қашқадарё область Косон районидаги Свердлов номли совхоз директори ўртоқ Тожи **Султоновни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика опера санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Самарқанд давлат опера ва балет театрининг солисти ўртоқ Абдурашид **Эргашевга** «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика хореография санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрининг балет солисти ўртоқ Ашот Амаякович **Геворгянга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонини берди.

Р. — 10857.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

20 июль куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Қуйидаги масалалар кўриб чиқилди:

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджетининг 1988 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида;

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг енгил саноатни техника билан қайта қуроллантириш тўғрисидаги ва шу тармоқ корхоналари учун замонавий серунум машина-ускуналар ишлаб чиқариш ҳақидаги қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисида;

СССР Министрлар Советининг «СССР Театр арбоблари союзи масалалари» тўғрисидаги 1987 йил 5 май қарори қандай бажарилаётгани ҳақида.

Биринчи масала юзасидан СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков ва СССР молия министри Б. И. Гостев доклад қилдилар. СССР Министрлар Совети шу докладларни муҳокама қилиб, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қайта қуришни чуқурлаштириш, туб иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан амалга ошириш ҳамда жамият турмушининг барча соҳаларини демократиялаш тўғрисидаги қарорлари, хулосалари ва фикрларига амал қилиб, халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини атрофлича таҳлил этди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Ярим йиллик асосий план топшириқлари бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1988 йилги план ҳисоб-китобларидаги 4,2 процент ўрнига 4,7 процент кўпайди. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномага мувофиқ олинган мажбуриятлар 99,3 процент бажарилди (1987 йилнинг биринчи ярмида 98,1 процент бажарилган эди). Ёқилғи-энергетика ва металлургия комплексларининг тармоқлари барқарор ишлади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш кўпайди. Умуман мамлакатда чорва ва парранда харид қилиш 5 процент, сут харид қилиш 6 процент ошди. Умумий фойдаланишдаги транспорт халқ хўжалигининг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини асосан таъминлади.

Мажлисда иқтимоий ишлаб чиқаришнинг интенсив омиллари роли ошиб бораётганлиги принципиал муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Йилнинг биринчи ярмида миллий даромадни, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, қурилиш ва транспортдаги ишлар ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ва моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ходимлар сонини мутлақ қисқартириш ҳисобига эришилди. Саноатда истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришдан илдамлаша бошлади: «Б» группаси маҳсулотининг ўсиш суръатлари «А» группаси маҳсулотининг ўсиш суръатларидан 1,5 баравар ошиб кетди. Чакана товар оборотлари плани бажарилди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми юзасидан белгиланган топшириқ ошириб бажарилди. Уй-жой қурилиши ярим йиллик плани 13 процент ошириб бажарилди, 35,3 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, мажлисда халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи суст яхшиланаётганлиги, иқтисодий ва социал тараққиётда туб бурилишни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш муносиб даражада таъминланмаётганлиги хусусида ташвишланиб гапирилди. СССРнинг кўпгина министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари бошқарувининг иқтисодий усулларини шу пайтга қадар эгаллаб олганлари йўқ. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун амал қилаётган, бутун ижтимоий турмуш тобора чуқур демократиялашиб бораётган шароитда ўзларининг иш усулларини ўзгартирмадилар, хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтиш пайтида корхона ва бирлашмаларга зарур амалий ёрдам бермадилар. Кўпинча корхона ва бирлашмаларнинг меҳнат коллективлари ҳам ўзларининг кенг ҳуқуқлари ва имкониятларидан фойдаланишда қатъият ҳамда активлик кўрсатмадилар.

Ҳосил қилинган миллий даромад 1987 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 1988 йил учун белгиланган 6,6 процент ўрнига 5 процент кўпайди. Бирлашма ва корхоналарнинг 14 проценти шартномавий мажбуриятларни уддалай олмади, улар 2,7 миллиард сўмлик маҳсулотни етказиб бермади. Озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланганидан кўра камроқ ишлаб чиқарилди. Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи ҳали ҳам танг бўлиб турибди, ишлаб чиқариш қувватларини ва социал-маданий соҳа объектларини ишга тушириш юзасидан белгиланган кўпгина топшириқлар бажарилмади, чала қолган қурилишлар ҳажми кўпайди. Муттасил иқтисодий ўсишнинг фан-техника тараққиёти ва ресурс тежаш каби ҳал қилувчи омиллари сусткашлик билан ишга солинмоқда. Аҳоли пул даромадлари билан ҳаражатларининг мувозанати таъминланмади. Кўпгина корхоналарнинг молиявий аҳволи беқарор бўлиб турибди.

Шу йилнинг июнида агросаноат комплексини ва бинокорлик материаллари саноатини ривожлантириш суръатлари бирмунча пасайганлиги ташвиш уйғотади. Бу эса аҳолини озиқ-овқат ва бинокорлик материаллари билан таъминлашни батар қийинлаштиради. Ишлаб чиқариш суръатлари пасайганини объектив сабаблар билан оқлашга уринган СССР министрларидан Е. И. Сизенко, С. Ф. Военушкин ва Е. А. Варначевларнинг изоҳларини СССР Министрлар Совети мутлақо қаноатланарли эмас, деб ҳисоблади. Мазкур раҳбарлар ўзларига топширилган тармоқлар ишининг натижалари учун шахсан жавобгар эканликларини тўғрисида огоҳлантирилди.

СССР ҳукумати ўзининг доимий органларига, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарларига, СССР министрларига ва идоралар нинг раҳбарларига, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг Раисларига йилнинг биринчи ярмида ишда йўл қўйилган катта камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини синчиклаб ўрганиб чиқишни ҳамда КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси йўл-йўриқларига асосланиб, экономиканинг барча тармоқларида, корхона ва бирлашмаларда хўжалик юритиш даражасини анча кўтариш юзасидан конкрет чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қилди. Корхоналарнинг ташаббуси ва мустақиллигини ривожлантириш, хўжалик ҳисоби муносабатларини кенг жорий қилиш, коллектив ва ижара пудратининг хилма-хил усулларидан, кооперацияда якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг ҳар хил турларидан омилкорлик билан фойдаланиш учун шароит яратишга ҳар томонлама эътибор бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Кўпгина саноат ва қурилиш корхоналари меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларига нисбатан иш ҳақининг ўсиш суръатлари илдамлашувига йўл қўйганликлари муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлашни кўпайтиришнинг меҳнат натижаларига мувофиқлиги устидан назоратни қатъиян кучайтириш вазифаси қўйилди.

СССР Министрлар Советининг мажлисида халқ фаровонлигининг энг зарур муаммоларини ҳеч кечиктирмай ҳал этиш, биринчи галда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда катта силжишларга эришиш жуда зарурлиги таъкидланди. СССР ҳукумати шу жиҳатдан СССР Давлат агросаноат комитетининг Дон маҳсулотлари министрлиги, Балиқ хўжалиги министрлиги, СССР Савдо министрлигининг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг фаолиятини қониқарсиз, деб баҳолади ва улар мана шу энг муҳим социал-иқтисодий муаммони ҳал этиш соҳасидаги ўз ишини ҳаддан ташқари секинлик билан қайта қураётганликларини таъкидлади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасидаги ишларнинг аҳволи батафсил кўриб чиқилди. Енгил саноат йилнинг биринчи ярми топшириғини 0,6 миллиард сўмлик миқдорда (чакана нархларда) бажармади. Айни вақтда арзон молларни ишлаб чиқаришдан суриб чиқариш давом этаётганлиги алоҳида куч билан таъкидланди. Кўпгина маҳсулотларнинг, айниқса, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати истеъмолчиларни қаноатлантирмаяпти. СССР Госпланининг, бошқа иқтисодий органларнинг диққат-эътибори мазкур салбий тенденцияларга қаршилик қиладиган самарали иқтисодий механизм ҳамон вужудга келтирилмаганлигига қаратилди.

Музокарада сўзга чиққан мажлис қатнашчилари ҳали ҳам савдода гўшт маҳсулотлари, балиқ, айрим турдаги ёрма, сут ва кондитер маҳсулотлари, мева-сабзавот ёки шмаётганини таъкидлаб ўтдилар. Аҳолининг тикилган ва трикотаж буюмларга, чарм пойабзалга, жун газламаларга, кир ювиш ва тикув машиналарига, мебелга, гиламларга, ҳар хил турдаги бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёжи тўлатўкис таъминланмаяпти.

Мажлисда бир қанча регионларнинг совет ва хўжалик органлари иши кескин танқид қилинди, улар бозорни моллар ва хизматлар билан таъминлашда муносиб даражада ташаббус ва омилкорлик кўрсатмаяптилар. Жумладан, чакана товар оборотларини планларини бажармаётган Украина, Грузия, Озарбайжон, Арманистон ва Туркманистон иттифоқдош республикаларининг Министрлар Советлари, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш топшириқларини уддалай олмаган Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР Министрлар Советлари мана шундай танқид қилинди.

Моллар ишлаб чиқаришдаги ва пулли хизмат кўрсатишдаги қолоқлик савдо-сотиқни ташкил этишдаги камчиликлар оқибатида кўпгина республикаларда, ўлкаларда ва областларда аҳолининг биринчи галдаги эҳтиёжларини қондиришда мавжуд бўлган қийинчиликлар мушкуллашмоқда, бу эса кўпдан-кўп ҳаққоний эътирозларга сабаб бўлмоқда.

СССР ҳукуматининг фикрича, социал-маданий соҳанинг моддий базасини вужудга келтиришга эътибор бўшашиб кетди, буни қуйидагилардан билиш мумкин: ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан мактабларни фойдаланишга топшириш 22 процент, ҳунар-техника билим юртларини фойдаланишга топшириш 32 процент, мактабгача тарбия муассасаларини фойдаланишга топшириш 6 процент, поликлиникаларни фойдаланишга топшириш 16 процент камайди, СССР Министрлар Советининг социал ривожланиш бюросига, СССР Госстройига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига бу масалаларни ,қаттиқ назорат остига олиш топширилди.

СССР Госстройи, Қурилиш министрликлари, иттифоқдош республика л а р нинг Министрлар Советлари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш планлари бажарилмаганлиги учун, чала қурилишлар кўпайганлиги учун танқид қилинди. Госстрой раисининг биринчи ўринбосари, СССР министри Л. А. Бибин берган изоҳлар замонавий талабларга мувофиқ келмайдиган асоссиз изоҳлар деб топилди. СССР Госстройи, Госпланининг диққат-эътибори халқ хўжалигининг мана шу жуда муҳим соҳасида ҳам капитал қурилиш самарадорлигини ошира оладиган иқтисодий механизм пухта ишлаб чиқилмаганлигига, жумладан, Белоруссия ССРда орттирилган ижобий тажрибадан фойдаланилмаётганлигига қаратилди. Шу масала юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Мажлис қатнашчиларининг нутқлари ресурсларни тежаш ҳали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмаганини, маҳсулот тайёрлашга материал сарфи ҳаддан ташқари юқори даражада эканини кўрсатди. Янги хўжалик механизми ҳозирча моддий ресурсларни тежашни суст рағбатлантирмоқда. СССР Госплани, Госснабининг ва бошқа раҳбарларнинг диққат-эътибори мана шунга қаратилди. Шуни эътиборга олиб, ҳозирги вақтда хўжалик механизмини янада такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрланмоқда, уларга ишнинг шу жиҳатига алоҳида эътибор бериш таклиф қилинди.

Атроф-муҳитни ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш — бугунги ва эртанги кунниинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммони ҳал қилиш учун тадбирларнинг бутун комплексидан, шу жумладан, иқтисодий ва маъмурий чоратадбирлардан фойдаланиш зарур. Аҳволнинг кўрсатишича, мазкур муаммо нақадар муҳим ва ўткир бўлишига қарамай, унга мутлақо етарли баҳо берилмаяпти: табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилган шу йилги капитал маблағ лимити атиги 39 процент ўзлаштирилган, оқава сувларни тозалаш иншоотларини ишга тушириш ярим йиллик планининг ярмиси ҳам бажарилгани йўқ.

СССР Министрлар Совети миллий территорияларни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантирганда барча миллат ва элатларнинг манфаатлари мамлакат муштарак манфаатлари билан мувофиқлиги ва социалистик интернационализмни мустаҳкамлаш таъминланиши принципиал аҳамиятга эга эканини таъкидлади. СССР Госпланига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ўз амалий фаолиятида шу талабларга муттасил риоя этиш топширилди.

Халқ хўжалигининг аниқ ва пухта ишлаши учун 1989 йилга мўлжалланган хўжалик шартномаларини ўз вақтида тузиш биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, бирлашмалар ва корхоналарга бу ишни ҳар томонлама кучайтириш таклиф қилинди. Келгуси йил планини тузиш пайтида давлат буюртмаси чекланган ҳажмда бўлиши сабабли бу иш, айниқса муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг енгил саноатни техника билан қайта қуроллантириш ҳамда бу тармоқ корхоналари учун замонавий серунум машина-ускуналар ишлаб чиқаришга оид қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала юзасидан СССР Министрлар Совети доимий органларининг раҳбарлари Н. В. Тализин, И. С. Белоусов ва И. С. Силаевнинг докладлари тингланди.

Докладларда айтиб ўтилган маълумотларга қараганда, енгил саноат корхоналарини қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш ва қуриш ҳаддан ташқари суст амалга оширилмоқда. Бунда одамларнинг турмуш даражасини ошириш учун, бутун қайта қуриш ишининг муваффақияти учун халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришнинг иқтисодий ва социал аҳамиятига етарли баҳо берилмаётганлиги равшан кўриниб турибди.

Енгил саноат учун машина-ускуналар тайёрлаб бериш мажбурияти юклатилган машинасозлик комплекси ва мудофаа тармоқлари комплекси КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорларида кўзда тутилган топшириқларни бажаришга муносиб равишда масъулият билан қарамадилар. Саноат шу тармоқларининг илмий, конструкторлик ва ишлаб чиқариш имкониятлари ҳали ҳам технология машина-ускуналарининг ғоят зарур замонавий турларини жадал яратишга ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган эмас. СССР Машинасозлик министрлиги, Авиация саноати министрлиги, Мудофаа саноати министрлиги, Умумий машинасозлик министрлиги, Автомобиль саноати министрлиги, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги машина-ускуналар ишлаб чиқаришни, жумладан, харид қилинган лицензияларга мувофиқ машина-ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишда катта қолоқликка йўл қўйдилар. СССР Шимолий ва Ғарбий районлардаги қурилиш министрлиги, Жанубий районлардаги қурилиш министрлиги, Шарқий районлардаги қурилиш министрлиги, шунингдек, Озарбайжон, Туркманистон, Грузия ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикалари Министрлар Советларининг қурилиш ташкилотлари енгил саноат объектларини қуриш планларини узлуксиз бажармай келмоқдалар.

СССР Енгил саноат министрлиги ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ҳозирги тармоқда барпо этилган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни таъминлашда ҳаддан ташқари сусткашлик қилмоқдалар. Тармоқ ишидаги камчиликлар кўп жиҳатдан шу билан изоҳланадики, енгил саноат бирлашмалари ва корхоналарининг ходимлари учун нормал меҳнат ва турмуш шароитлари яратишга зарур даражада эътибор берилмаяпти.

Министрлар Совети тармоқни техника билан қайта қуроллантиришнинг боришини танқидий баҳолаб, СССР Министрлари — Б. М. Белоусовга, В. Х. Догужиевга, А. А. Ежевскийга, В. М. Лукьяненкога, Н. А. Паничевга, Н. А. Пугинга, А. С. Сисцовга, П. В. Финогенов ва В. И. Шимкога замонавий машина-ускуналар ишлаб чиқаришда йўл қўйилган узилишлар кўрсатиб ўтилди ва уларнинг зиммасига белгиланган топшириқларни бажаришдаги қолоқликни жуда қисқа муддатда тугатиш чораларини кўриш юклатилди.

СССР Министрлар Совети СССР Госстройидан, Енгил саноат министрлигидан ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларидан енгил саноат объектлари қурилишини ташкил этишни яхшилаш, қурилиш муддатларини қисқартириш, ресурслардан самарали фойдаланиш чораларини кўришни, саноат ва социал-маданий объектлар комплекс тарзда қурилишига алоҳида эътибор беришни талаб қилди. Тармоқда ишга туширилаётган барча янги қувватларни қатъий норматив муддатларда ўзлаштириш вазифаси ҳам қўйилди.

СССР Министрлар Советининг машинасозлик давлат комиссиясига, бюросига, СССР Енгил саноат министрлигига, СССРнинг барча министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига енгил саноатни техника билан қайта қуроллантиришга ҳамда тармоқ учун серунум машина-ускуналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва етказиб бериш программаларини бажаришга алоқадор белгиланган топшириқларни бажариш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиришни анча яхшилаш, бу ишдаги талабчанликни қатъиян ошириш, шу тариқа мамлакат енгил саноатини кенг кўламда қайта қуроллантира бошлашга жуда қисқа муддатларда киришиш топширилди.

Мажлисда СССР Министрлар Советининг «СССР Театр арбоблари союзи масалалари» тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётгани ҳақида СССР Министрлар Совети социал ривожланиш бюроси раиси Н. В. Тализининг доклади ҳамда СССР ва РСФСР Театр арбоблари союзлари правленияларининг раислари К. Ю. Лавров билан М. А. Ульяновнинг ахборотлари тингланди. Қабул этилган қарорда СССР Министрлар Советининг социал ривожланиш бюросига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Маданият министрлигига, СССРнинг бошқа министрликлари ва идораларига театр санъатини, бутун кўп миллатли совет маданиятини ривожлантириш манфаатларийи кўзлаб, СССР Театр арбоблари союзининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, унинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш юзасидан қарорда белгиланган вазифаларни тезроқ бажариш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар кўриш ҳақида топшириқлар берилди.

СССР Министрлар Совети мажлисининг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари Ю. Д. Маслюков ва Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Бирюкова қатнашдилар.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бошқарди ва нутқ сўзлади.

(ТАСС).

Николай Васильевич КИМ



1927 йилдан КПСС аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер Николай Васильевич Ким узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 84 ёшида вафот этди. Узоқ Шарқда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашчи, ватанпарвар-интернационалист, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тажрибали раҳбарининг юраги уришдан тўхтади.

Николай Васильевич Ким Приморье ўлкасининг Покровский районида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини ҳам шу ерда бошлади, деҳқончилик билан шуғулланди. 1925 йилда комсомол ташкилотининг йўлланмаси билан қишлоқ матлубот жамиятида ишлади, тез орада ўша ердан ишчи-деҳқон Қизил Армиясига чақирилди. Бу ерда Ленин партияси сафига қабул қилинди. Николай Васильевич Ким оқгвардиячи тўдаларнинг қолдиқларига ва қулоқларга қарши жасурлик билан жанг қилди, Совет Приморьесида дастлабки коллектив хўжаликларни ташкил этишда бевосита иштирок этди.

Н. В. Ким 1931 йилда Владивосток совет партия мактабини тамомлагандан кейин Уссурийск областидаги Ханка район колхозлар иттифоқи раисининг ўринбосари, шоликорлик совхози бўлимининг бошқарувчиси, Ханка район контрол комиссиясининг секретари, ВКП(б) Ханқа район комитетининг инструктори, секретари бўлиб ишлади.

1937 йилда Николай Васильевич Ким ВКП (б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига биноан Хоразм областининг Гурлан районига юборилади. Ўша пайтдан бошлаб Хоразм унинг иккинчи ватани бўлиб қолди. Бу ерда у район ижроия комитети раисининг ўринбосари, МТС директорининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари, область матлубот союзининг катта инструктори, Қўшкўпир, Урганч, Янгибозор район партия комитетларининг иккинчи секретари, Хоразм область партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири, секретари ёрдамчиси бўлиб ишлади. Кейинги йилларда у область қишлоқ хўжалик бошқармаси системасида меҳнат қилди.

Партия ташкилоти Николай Васильевич Кимни қаерга юбормасин, у ҳамма жойда бутун куч ва ғайратини сарфлаб, топширилган иш учун шахсий масъулиятини англаб ижодий меҳнат қилиб келди.

Н. В. Кимнинг катта ташкилотчилик қобилиятлари Хоразмда энг йирик ихтисослаштирилган шоликорлик совхози — Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли совхоз директори лавозимида айниқса ёрқин намоён бўлди. У қарийб чорак аср мобайнида шу хўжаликка муттасил бошчилик қилиб, уни ўзига хос илғор тажриба мактабига айлантирди, ўнлаб моҳир шоликор усталарни тарбиялади. У ва унинг издошлари туфайли Хоразмда шоликорлик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири, озиқ-овқат фондини доимо ошириб боришнинг ишончли манбаи бўлиб қолди.

Николай Васильевич Ким фаол жамоат ишини олиб борди. Бир неча марта область партия комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг, халқ депутатлари область Советининг депутати этиб сайланди. Коммунистик партия ва ҳукумат Н. В. Кимнинг хизматларини юксак баҳолади. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, қўш Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Халқлар дўстлиги орденлари, тўртта «Хурмат Белгиси» ордени, СССРнинг кўпгина медаллари билан мукофотланган. Унга «КПСС сафида 50 йил» нишони топширилганди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчиси, Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди Николай Васильевич Кимнинг пок хотираси уни билган кишиларнинг қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Р. Н. Нишонов, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Н. И. Попов, К. Саликов, П. Қ. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. А. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, М. М. Мирқосимов, Р. Худойберганова, Ғ. Н. Машарипов, Б. Жуманиёзов, Б. Муротов.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети 1985 йил 13 декабрда қабул қилган Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомостлари, 1985 йил, 35, 411-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Кодекс қуйидагича мазмундаги 169[1] модда билан тўлдирилсин:

«169[1]-модда. Таркибида пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа химиявий моддаларнинг қолдиғи йўл қўйиладиган энг юқори даражадан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиш

Аҳолининг ва чорва моллари нинг соғлиғи учун зарарли пестицидлар, минерал ўғитлар ҳамда бошқа химиявий моддаларнинг қолдиғи йўл қўйиладиган энг юқори даражадан ортиқ эканлиги кўриниб турган қишлоқ хўжалик маҳсулотини бозорларда, савдо корхоналари ҳамда бошқа жойларда сотиш —

гражданларга эллик сўм ва мансабдор шахсларга юз сўмгача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Мазкур қишлоқ хўжалик маҳсулотидан чорва моллар га озуқа сифатида ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлмаган тақдирда бундай маҳсулот совхозлар, колхозлардан, бошқа давлат, кооператив корхоналари ҳамда ташкилотлардан ва гражданлардан уни кейинчалик йўқ қилиб ташлаш мақсадида ҳақ тўламай олиб қўйилиши керак».

2. 228-модданинг биринчи қисмидаги «168-170» рақамлари «168, 169, 169[1] (ушбу ҳуқуқбузарлик давлат санитария ва ветеринария назоратининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилган бўлмаса), 170» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 169[1]-моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколлар давлат санитария ва ветеринария-санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан амалдаги қонунларда кўзда тутилган ўз ҳуқуқларига мувофиқ тузилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 21 июль.

• Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ШИКАСТЛАНГАН МАКТАБЛАР

Ташвишли сигнал

Қорақалпоғистон автоном республикасида мактаблар ва қўшимча синфхоналар қуриш, уларни белгиланган муддатда битказиб, фойдаланишга топшириш талаб даражасидан орқада қолмоқда. Шу сабабли айрим шаҳар ва районлар мактабларида машғулотлар уч сменада олиб борилади. Бу эса мактабларда лаборатория ҳамда қўшимча машғулотлар, фан тўгараклари, синфдан ташқари машғулотлар ўтказишга тўсиқ бўлди.

Автоном республикадаги 668 та умумтаълим мактабларидан 139 тасини капитал ремонт қилиш планлаштирилган. Шундан 39 таси шикастланган мактаблардир. Бироқ кўпчилик шаҳар ва районларда мактабларни капитал ремонт қилиш, шикастланганларни тиклаш ишлари ҳануз бошланмаган. Жумладан, Чимбой шаҳридаги Киров номли ўрта мактабда бу ишлар ўтган йили бошланиши керак эди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлишига қарамасдан, материал ресурслари йўқ, баҳонаси билан кечиктирилмоқда. Чимбой районидаги «1 Май», Қ. Авезов номли совхозларда Мичурин, Менделеев номли шикастланган мактабларнинг қурилиши ҳам капитал маблағ йўқлиги туфайли ҳар йили титул планидан чиқариб ташланмоқда.

— 1986—1988 йилларда, — дейди район ижроия комитети раиси ўринбосари Ж. Абилов, — Қорақалпоғистон АССР Давлат агросаноат комитети 1244 ўринли мактаб қуриб беришни планлаштирганди. Амалда эса 1986 йилда «Кенес» совхозида 624 ўринли мактаб фойдаланишга топширилди, холос. 620 ўринли мактаб қурилишини эса уч йилдан бери планга киритишмаяпти.

Тўрткўл районидаги мактабларни капитал ремонт қилиш, шикастланганларни тиклаш каби ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳалқлонки «Ленин йўли» колхозидаги Махтумқули номли ўрта мактабга 20 минг сўм, «Совет Ўзбекистони» колхозидаги Чапаев номли мактабга 13 минг сўм, «Победа» колхозидаги «Қизил байроқ» мактабига 15 минг сўм, «Ленинизм» совхозидаги Тельман номли мактабга 25 минг сўм ажратилган. Бироқ қурилиш материаллари йўқлигидан ҳалигача капитал ремонт ҳам, мактабларни тиклаш ишлари ҳам бошланмаяпти.

— Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети шикастланган мактабларни тиклаш учун районимизга 73 минг сўм маблағ ажратиб берди, — деди район халқ маорифи бўлими инспектори А. Жуманиёзов. — Албатта, бу яхши, аммо материал ресурсларини ким етказиб беради? Бусиз мактабларни ремонт қилиб бўладими?

А. Жуманиёзовнинг гапида жон бор. Айни шу кунларда қурилиш материаллари етишмаслигидан буюртмачилар ҳам, пудратчилар ҳам қийналяпти. Бундан ташқари икки ярим йилдан бери Тўрткўл шаҳридаги Толстой номли ўрта мактабнинг капитал ремонти битмайди. Ўтган йили ажратилган маблағнинг бир қисмидан ремонт ишлари бажарилди, бироқ сифатсиз.

Хўжайли районидаги «Пионер» номли саккиз йиллик мактабнинг аҳволи бундан ҳам ташвишли. Оддий каркас усулида қурилган бино мактабга мослаштирилган. Бу ерда ўғил-қизларнинг таълим олиши учун ҳеч қандай шароит йўқ. Район партия комитети бўлим мудири Б. Рахов, район халқ маорифи бўлими мудири У. Имаматдинов билан мактабга келганимизда унинг эшигида катта қулф осиғлиқ турарди.

— Бу мактабни тиклаш учун ажратилган пул ҳалигача етиб келмаяпти, — деди У. Имаматдинов. — Мактаб директори ташкилотматашкилот юриб, материаллар излаяпти. Нима қилиш, қандай ёрдам беришни ўзимиз ҳам билмаймиз.

— Энг яхши нарсалар боладаги деган шиор бор, — деди сўзини давом эттириб, у.—Мактаб қошида республика механизатор кадрларни қайта тайёрлаш курси бинои қурилиши уч йил давом этди. Битгандан кейин эса йил давомида фойдаланмасдан ётди. Ота-оналар, мактаб ўқувчилари, район ижроия комитети ана шу бинони «Пионер» номли мактабга бериш тўғрисида Давлат агросаноат комитети ва унинг раҳбарларидан кўп илтимос қилишди. Фойда бўлмади. Сўнгги бор Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раиси ўринбосари А. Икромовга мурожаат қилишди. Бироқ у киши ҳам ёрдам беролмади.

Нукус шаҳридаги Гоголь номли, А. Мусаев номли, Калинин номли, «ВЛКСМ 30 йиллиги» каби шикастланган ўрта мактабларни тиклаш ишлари ҳам юришмаяпти. Ана шу мактабларда ўқиш уч сменада олиб борилишига қарамай шаҳар партия, совет, касаба союз ташкилотлари тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. 23-микрорайонда 1800 ўринли мактаб қурилиши ўтган йили бошланган эди. Мактаб қурилишини тезлаштиришда 166-қурилиш трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси қурувчилари, инженер-техниклари жонбозлик кўрсатмаяптилар.

— Мактабларни капитал ремонт қилиш, шикастланганларини тиклаш учун маблағ ажратиш билан иш битмайди, — дейди «Қорақалпакресремстрой» трести бошқарувчиси А. Мустафин. — Маблағ ажратмасдан туриб, унинг материал ресурсларини ҳал қилиш керак. Ремонт ишлари ҳар йили бўлади. Шунинг учун тегишли ташкилотлар аввало, материал ресурсларини планли равишда етказиб бериши керак. Акс ҳолда камчиликлар, нуқсонлар юз беришн аниқ.

Алғабос Мустафин ҳақ гапни айтяпти. Бошқа жойларда ҳам мактабларни тиклашга ажратилган маблағларнинг етарли эканлигини тан олишади. Материал ресурсларига келганда эса ҳеч ким ҳеч нарса деёлмайди. Бироқ бусиз ишда бурилиш қилиш мушкул.

Ўзбекистон ССР Госплани, республика Госснаби, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактабларни капитал ремонтдан ўз вақтида чиқариш, шикастланган мактабларни тиклашда шошилинч равишда амалий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **НИКОСИЯ.** Никосиянинг марказий майдонида Кипрда ҳукуматга қарши исён кўтаришга уринишнинг 14 йиллигига бағишланган оммавий митинг бўлиб ўтди. Маълумки, ана шу уринни ороларга турк қўшинларининг киритилишига сабаб бўлган эди. Митингда ўн минглаб кипрлик греклар қатнашдилар.

✦ **ГААГА.** Голландия полицияси Ғарбий Европадаги бир неча мамлакат полицияси олти ой давомида олиб борган текшириш натижасида фош қилинган катта найрангда қатнашган 11 кишини қамоққа олди. Товламачилар группаси Англия, Бельгия ва Ғарбий Германияда бир қанча сохта компания ташкил этганлиги, бу компаниялар кўп миқдордаги товарларни қарзга сотиб олиб, кейинчалик қарзларни тўлашни «унутиб юборганлиги», сўнгра эса бу товарларни Европада фойдасига сотганлиги аниқланди.

(ТАСС).

• *Интернационализм — байроғимиз*

ОНА ТИЛИДА ДАРСЛИКЛАР

✦ Қардош иттифоқдош республикадан Ўзбекистонга чорак миллиондан ортиқ тожик тилидаги дарсликлар жўнатилди.

Бу дарсликлар тожик тилида ўқитиладиган мактабларда таълим олаётган биринчи синфдан ўнинчи синфгача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган. Бу йил Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг буюртмасига кўра, юз мингдан ортиқ тожик ўқувчи болалар учун 51 номда 378 мингта дарслик олинади.

Ўзбекистон «Ўқитувчи» нашриёти ўз навбатида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга маҳаллий мактабларда таълим олаётган ўзбек миллатидаги ўқувчиларга зарур дарсликларни юборади.

РУС МАКТАБЛАРИДА ТОЖИК ТИЛИ ДАРСИ

✦ Самарқанд педагогика институтида «Рус мактабларида тожик тилини ўқитиш» мутахассислиги учун студентлар қабул қилина бошлади.

Улар 1 сентябрдан янги программа бўйича шуғулланадилар. Программада тил ўргатишни анча кенгайтириш ва такомиллаштириш назарда тутилган.

Рус тилида ўқитиладиган мактабларда тожик тили дарси Самарқанд областининг ёш аҳолиси учун янгилик эмас. Бироқ бу дарсларни кўпинча зарур методикага эга бўлмаган педагоглар олиб боришарди. Ана шу аҳволни тузатиш учун Самарқанд педагогика институтида махсус курслар очилди.

Педагогика институтида тожик студентлар она тилида ўрганаётган махсус фанлар бу йилдан анча кўпайтирилади. Ҳозир мактабгача тарбия педагогикаси ва психологияси, музика таълими, тарбиявий ишлар методикаси фанлари ўқитиладиган группаларга ҳам студентлар қабул қилинмоқда.

«САМАРҚАНД ГУЛДАСТАСИ»

✦ Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётида «Самарқанд гулдастаси» деб номланган тожик адабий альманахининг биринчи сони босмадан чиқди.

Альманах тожик тилида 28 та китоб яратган Б. Ортиқовнинг ҳикоялари билан очилади. Шунингдек, унга Самарқанд областида яшаб, ижод қилаётган адибларнинг шеърлари ҳамда насрий асарлари киритилган. Тўпламни Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошида яқинда ташкил этилган тожик адабиёти кенгаши тайёрлаган.

— Бу йил яна бешта шундай альманах нашр этилади, — дейди кенгаш раиси Жонибек Қувноқов. — Ўзбекистоннинг турли бурчакларида яшаб, ўз она тили — тожик тилида ижод қилаётган ёзувчилар бизнинг муаллифларимиздир. Аввалари уларнинг асарларини нашр этишда қийинчиликлар пайдо бўларди: Ўзбекистон нашриётлари зарур полиграфия базасига, техникавий имкониятларга эга эмасди. Душанбелик ҳамкасбларимиз ёрдам бериб, бизга босма ҳарфлар комплектини жўнатишди.

Ўттиздан ортиқ ёзувчини бирлаштирган тожик адабиёти кенгаши «Муаллифнинг биринчи китоби» туркумидан бир неча тўпламни тайёрлаб қўйди. Улар бу йил нашр этилади. Ўзбекистонлик китобхонлар тожик классик адабиёти билан ҳам танишдилар. С. Айний ва Ж. Икромий, С. Улуғзода ва М. Турсунзода каби авторларнинг ҳамда бошқа адибларнинг романлари ўзбек ва рус тилларида китобхонларга тақдим этилди. Кенгашимиз Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги интернационал алоқаларни мустаҳкамлашни, уларнинг маданий анъаналарини чуқур ўрганишни ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб билади.

(ЎзТАГ).





СЎКАҒОН РАИС

ҲАМДА ШАҲРИЗОДАНИНГ БИР МИНГ ИККИНЧИ ҲИКОЯСИ

Фельетон

— Боғлон вилоятига бораётган паҳлавон йигит Самангандаги Боғижаҳонамода тунаб қолибди, — деб Шаҳризода ҳикоясини тўхтатди.

— Давоми нима бўлди? — шахд билан сўради шоҳ.

— Ахир, бир минг биринчи тонг ҳам отди. Аҳду паймонимизга кўра ҳикоягўйлик интиҳосига етди.

— Паҳлавон йигитнинг тақдирини билмагунимча уйқу элитмайди, ахир!

— О, шоҳим, у ҳамма мушкулликларни енгди. Сув кечди, чўл кезди, тоғ ошди, чангалзору ўрмонлардан соғ-омон ўтди. Аммо...

— Нима, аммо?!

— Қуёш ял-ял ёнди. Қўйинг, паҳлавондан сўз очмайлик...

— Йўқ, гапир!

— Оҳ, шоҳим, шундай йигит ўз-ўзини шаҳид қилганини қандай айтаман!

— Ундай бўлса, аҳдимизни бузамиз. Минг иккинчи кеча учун тайёргарлик кўр!..

Шаҳризода замонидан бир лаҳза ўзимизнинг дориламон кунларга қайтайликда, Наҳрипай сари йўл солайлик.

Чўл деса чўл эмас, йўл деса йўл эмас, боғ деса дарахт йўқ, тоғ деса қоя йўқ бир жойда «Сельхозхимия»нинг Нарпай районлараро бирлашмаси жойлашган. Чанга қарасангиз дори уюми, ўнгга қарасангиз дори уюми! Ана шу уюм-уюмларнинг бир тарафида ҳашаматли бино бор. Бу бинонинг иккинчи қаватида саҳни спорт майдонидан камлик қилмайдиган кабинет бўлиб, унда қаҳрамонимиз Ҳуррам Йўлдошев ўтирибдилар.

Истасалар чап тарафларидаги сейфни очадилар-да, Бразилия кофесини олиб, аччиқ ичимлик тайёрлайдилар. Уни ичгандан кейин қани уйқу келса. Ўринларидан туриб, дераза ёнига келадилар. Осмонда юлдузлар милтираяпти. Қайси бири у кишиники экан? Ҳув, анави, энг ялтироқ турғани-да! Ахир, у киши ҳам Нарпайда чарақлаган юлдуз-ку!

Илгари раис ўринбосари эдилар. Раисни ранжига олишди. Бундай қараб турсалар, иккинчи қаватда бегона одам пайдо бўладиган. Йўли топилди. Профком номидан обкомга ва райкомнинг биринчи котиби номига хат юборилди. Фалон-фалон ҳужжатлар, фалон-фалон талабнинг фалон бандларига кўра бизда демократия асосида сайлов ўтказишингизни талаб қиламиз, дейишди. Унга бирлашма касаба союз комитети раиси Исомиддин Тожиев имзо чекди. Шундан сўнг одамлар ўртасида иш олиб борилди: «Бегонанинг пўстинидан ўзингнинг ўтининг яхши». «Синамаган отнинг сиртидан ўтсанг тепади». «Ўзингдан чиққан қадрингга қайғуради, бегона ариқни ўйи томон буради»...

Хуллас, ҳаяжонли кун етиб келди. И. Тожиев бирлашма раислигига Х. Йўлдошевни кўрсатди. Шунингдек, 910 сўм тўлашлари керак бўлиб қолди. Шунинг 327 сўмини бирлашма ҳисобидан тўлаб юбордилар. Ҳа, нима қипти? Катта бирлашма ўз раисининг «жарима»сидан бир қисмини кўтарса ёмонми?

Яна бир куни қаҳрамонимиз Акбар Абдураҳимов, Бобоқул Ризаев деган ишчиларга ҳайфсан эълон қилдилар. Нега? Нима учун? Ўзларига, фақат ўзларига аён. Текширувчилар келиб буйруқни бекор қилишди.

«Кун бўйи ишлаймиз. Кечаси вагон келадиган бўлса, олиб қолади раис. Бир пиёла чой, бир бурда нон йўқ, эрталабгача юк туширамиз. Ҳақ ҳам насия бўлади».

Ишчиларнинг бу эътирозига у киши дарров жавоб топадилар:

— Мен ҳам бир пиёла чой ичмасдан ўтираман-ку! Шанба-якшанба кечалари ишлашса устама ҳақ ёзаман. Қолган вақт... Ҳа, энди ҳафтада икки-уч марта кечаси вагон келиб қолади. Тушириб беришса нима қипти? Шунинг учун ҳам ҳақми?

«Кечаси соат учда тўрт километрга пиёда кетдим».

«Ўғит солинган вагонда ухладим, эрталаб уйга бордим».

«Ўзимиз сайлаганмиз, энди ўз ёғимизга қовурилиб ётибмиз».

«Исм-шарифимизни айтамиз-у, лекин сиз кетасиз, биз эса қоламиз. У киши қаматиб юбораман, дейди. Истаса онангни деб сўкади, истаса кабинетига олиб кириб уради, кейин маст эди деб милицияга ёзиб беради. Шоҳидлар ҳам топилади».

«Мана, Ризаев Бобоқул бунчетдан яна икки кишининг номзоди сайлов варақасига ёзилди. «Пахтакор овози» район газетасида ёзилишича (1987 йил 27 июль) сайловда қатнашган 89 кишидан 75 нафари ёқлаб овоз берган Х. Йўлдошев бирлашма раислигига сайланди. ...Айни пайтда бирлашма ишчилари Х. Йўлдошевнинг фаолиятидаги, шахсий характеридаги камчиликларни айтишди.

Шундан сўнг Ҳуррам аканинг ҳуррам кунлари бошланди. Қўлларига муҳр олиб ишга киришиб кетдилар. У кишининг айтганлари айтган, деганлари деган бўлиши керак, акс ҳолда осмон узилиб ерга тушиши мумкин.

Бир куни шартта буйруқ чиқартиридилар-да, бухгалтер Раиса Федунинани ишдан четлаштирдилар. У судга бериб, Х. Йўлдошев ноҳақлигини исботлади. У киши Р. Федунинага чўнтакларидан га мисол. Унга ҳайфсан берди. У райкомга бориб буйруқни бекор қилдирди. Бир куни уни кабинетида урди. Эртасига эса кеча маст эди деб ҳужжат қилди. Бобоқулни судга чақиришди, жарима тўлаб келди».

Ишчилар юракларидагини айтишарди-ю, лекин бир-бир раисдан ҳайиқишарди. Чунки натижа бўлмаслигига ишонишади-да. Ёки раис қайта-қайта тушунтириш хати ёздириб олади-да, мукофотдан маҳрум қилади. Комил Баҳромов 11 май куни кеч соат 8.30 да уйига кетди. Эрталаб 15 минут кечикканни учун тушунтириш хати ёзди: «Энди соат 5.00 дан кейин вагонлар келса, касаба союз комитети шуғуллансин». Ана шундай ҳам ишлаб, ҳам тушунтириш хати ёзганлар сон-саноқсиз. Раиснинг сейфлари яқин орада қоғозга тўлиб қолади.

Ниҳоят уларнинг навбатдаги аризаларини «Облсельхозхимия» бирлашмаси раиси Д. Насруллаев ва бирлашма ревизори А. Холиқназаров текширишди. Ревизия хулосаси ҳеч кимга айтилмади. Аксинча «шикоятчиларни» тартибга чақиришди.

Улар яна ёзишди. 1988 йил 8 апрель куни бирлашмага Нарпай район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Нормуродов, район прокурори А. Жамолов, ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Ш. Расулов келиб, президиумдан жой олишди. Залга 92 киши тўпланди. 12 бетдан иборат қарор ёзилди. Унда шундай сатрлар бор: «Йўлдошев Ҳуррам қўполлик қилди, онангни деб сўкади». «Х. Йўлдошевни ўзимиз сайладик, лекин қўпол, сўкмасин». Қолган гаплар аризачиларга қаратилди. Кимдир уларни юртбузар деди, яна биров бузғунчи деди. Қарорнинг бошидан охиригача уларнинг исм-шарифлари «ивогарлар» деб ёзилди. Ким ёзибди бу қарорни?

— Раиснинг ўзлари-да, ким бўларди? — дейди райком бўлим мудири Рашида Нуриддинова.

Дарвоқе ўша йиғилишда район раҳбарлари бирма-бир сўз олишди. «Ивогарларни» қоралашди. Йиғилиш қарор қилди:

«Бирлашма раиси Х. Йўлдошевнинг коллектив ходимларига нисбатан қўполлиги қоралансин. Унинг бундан кейин қўполлик қилмайман деб кечирим сўраганлиги инобатга олинсин...

Бирлашма ишчи-хизматчилари икки кун (4. 04. 88 ва 8. 04. 88) шикоят хати ёзувчилар (фамилиялари тўлиқ келтирилади — Ж. М.) айби билан ишламаганлиги учун шу кишилардан икки кунлик давлатга келтирилган зарарни ундириш бирлашма бош бухгалтери ўр. Хузиаҳмедова Г. И. га топширилсин».

Мана сизга натижа, хулоса ва сабоқ. Бундан кейин ким ҳам раиснинг фармонини амри вожиб деб тушунмайди. Қизиғи шундаки, кейинги тақлифни район партия комитети биринчи секретари Ҳ. Нормуродов киритган. Протоколда у кишининг тақлифлари қуйидагича қилиб ёзиб қўйилган: «Бош бухгалтер ўртоқ Хузиаҳмедовага топширилса, 4 ва 8 апрель кунлари бирлашма ишчиларининг ишламаганликлари неча пулга тушди, шу пулни ҳисоблаб чиқиб, гуноҳкорлар зиммасидан ундирилсин».

Райком биринчи секретари шундай қўллаб турса, раис яраб кетаверади-да!

— У ўзи ҳам емайди, бировга ҳам едирмайди, — дея раисга баҳо берди Ҳасан Норбекович биз билан суҳбатда. Шундаймикан?!

«Шикоятчилар» яна ёзишди. Райком ташкилий бўлими инструктори Ш. Жумаев, агросаноат ходимлари касаба союз район комитети раиси Э. Ғиёсов текшириш якуни бўйича райком биринчи секретарига рапорт ёзишди: «Райсельхозхимия»даги аҳволни соғломлаштириш учун ё шикоятчиларни бошқа ташкилотга ўтказиш ёки ташкилот раисини ишдан олишлик лозим, чунки ҳақиқатан ҳам ишчиларга нисбатан қўпол муомалада бўлади. Меҳнат интизоми бузилган, қилинаётган ишлар қониқарсиз».

Шундан сўнг масала райком бюросига тайёрланди. Аммо «Облсельхозхимия» ўтказган ревизия сирлигича қолди. Ревизия бирлашмада ҳеч қандай из қолдирмаган. На справка, на хулоса қолган бу текширувдан.

Райком бюроси мажлисида қўполлиги, ишчилар билан тил топиша олмагани ва бу бирлашмада носоғлом муҳитни вужудга келтиргани учун КПСС аъзоси Х. Йўлдошевга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан виговор берилди. Унинг бундан кейин қўполлик қилмаслик ҳақидаги тавба-тазарруси инобатга олинди.

Неча марта ҳисобга олишаркин?! Ахир, сайлов кунида, ундан кейин ҳар бир текширишда у тавба-тазарру қилди-ку!

Ҳозир эса у киши, яъни сўкаён раис деразадан юлдузларга маҳлиё бўлиб турибдилар. Пастда эса одамлар вагондан юк туширишяпти. Уларга қарайдилар. «Хўш, нима қилдиларинг, ҳе...» Тун ўтиб боряпти. Кун бўйи ишлаган кишилар ҳамон тиним билишмайди. Гоҳи-гоҳида ёруғлик тарала-ётган деразага, тўғрироғи, «юлдуз»га қарашади. У тобора кичрайиб бормоқда. Чунки йигитларнинг чарчоқдан кўзлари юмилмоқда-да!

Энди яна Шаҳризода ҳузурига қайтсак.

— Сўзласанг-чи, бунча имиллайсан?

— Оҳ, шоҳим, паҳлавон уйқудан туриб, Боғижаҳонамодан чиқиб Боғлонга равона бўлибди. Йўлда унга бир киши ҳамроҳ бўлибди. У ҳар бир сўзида онани тилга олар ва сўкинар экан.

— Кимнинг онасини сўкаяпсан? — деб сўрабди паҳлавон. — Ахир, у мўътабар зотда нима айб? Нега бундай сассиқ сўзга ишқ қўйдинг?

Йўловчи паҳлавонга қараб, тиржайибди-да: «Ҳе, сени ҳам онангни..» — деб сўкинибди. Паҳлавон унинг тилини суғуриб олибди. Тил сўкинаверибди: «Онангни, онангни...» Тилни улоқтирибди. Тўрт тарафдан ўша мудҳиш сўз эшитилаверибди. Паҳлавоннинг қулоқлари қоматга келибди. Боғлонга етганда одамлар уни томоша қилишга чиқишибди, ким паҳлавонни сўкаётганидан ҳайрон экан улар. Паҳлавоннинг орияти устун келибди. У қояга чиқиб, ўзини пастга отибди... У онаси номига айтилган аччиқ сўзга чидай олмабди. Шундан бери боғлонликлар ким сўкинса қоя ёнига олиб келишаркан. Пастликдан; жарликдан паҳлавоннинг шиддатли, аламли, армонли овози, қичқириғи эшитилиб турарканми...

— Эй, Шаҳризода, тўхта! Сен менга оғир мусибатдан сўз очдинг. Наҳотки, бу манзара боқий қолса? Наҳотки, бегуноҳ оналарни ҳақорат қилувчилар келажакда ҳам топилса?!

— Оҳ, шоҳим, саволларингизга жавоб берардим-у, қуёш ётоғидан бош кўтардида...

Жаҳонгир МАМАТОВ.

Бола соғлом— она бахтиёр

Жиззах областида «Зомин» санаторийси дастлабки олувчиларни қабул қила бошлади. Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш мақсадида очилган мазкур санаторий коммунистик шанбаликда йиғилган маблағ ҳисобига қурилди. Бу ерда асосан нафас олиш йўли хасталиклари билан оғриган беморлар даволанади.

Ҳар сменада 574 киши муолажа олиши мумкин бўлган санаторийда физиотерапевтик ва сув билан даволаш бўлимлари мавжуд. Саунали иккита бассейн, массаж хоналарида ҳам дам олувчиларга турли муолажалар қилинади. Шунингдек, бу ерда оналарнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун кутубхона, клуб, болаларга эса қизиқарли ўйинлар ўтказиладиган майдончалар ташкил этилган. Спорт комплекси энди қурилмоқда.

Суратларда: 1. санаторий бунёдкорлари — 72-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари. 2. Тарбиячилардан Г. Наганова ва Н. Булановалар болалар билан сайр қилишмоқда.

А. КОШКИН фотолари. (ЎзТАГ).

• *Спорт*

КУРАШ:

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Австрияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида совет полвонлари муваффақиятли беллашиб, ғолиблик супасини кўзладилар. Жаҳон чемпионатида тошкентлик Рамил Атаулин ҳам зафар қучди. У 54 килограммгача бўлган вазнли полвонлар билан беллашувни кўтаринки руҳда ўтказиб, мухлисларни қувонтирди. Мусобақада шунингдек, совет полвонларидан москвалик В. Богуев, львовлик С. Губернюк, киевлик О. Лаща, калининградлик А. Шумилинлар зафар қучиб, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони номига сазовор бўлишди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

СЎНГГИ ЙЎЛЛАНМА

Мадридда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Европа чемпионатида охирги учрашувни Польша командаси билан ўйнаган совет хоккейчилари ҳисобни дуранг (2:2) қилишди. Бу билан хоккейчиларимиз команда ҳисобида бешинчи ўринни эгаллашди. Лекин спортчиларимизнинг омадлари келди. Уларга келаси йили Малайзияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун йўлланма бериш лозим топилди. Қитъа чемпионлиги учун курашда эса ГФР хоккейчилари биринчи ўринни олишди.

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
ИЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
1988 йил учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
2-ТУР

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда: тўқимачилик саноати машина ва агрегатлари; химия технологияси жараёнлари ва аппаратлари; тўқимачилик хом ашёсини (пахта, ипак, луб) дастлабки ишлов; тўқимачилик материаллари технологияси (йигирувчилик, тўқувчилик); халқ хўжалиги экономикаси, планлаштириш ва бошқаришни ташкил этиш.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда: тўқимачилик саноати машина ва агрегатлари; химиявий толалар технологияси; химия технологияси жараёнлари ва аппаратлари; материалшунослик (тўқимачилик); тўқимачилик хом ашёсини (пахта, ипак, луб) дастлабки ишлов: тўқимачилик материаллари технологияси (тўқувчилик, йигирувчилик); халқ хўжалиги экономикаси, планлаштириш ва бошқаришни ташкил этиш.

2-турда аспирантурага ҳужжатларни қабул қилиш— 1988 йил 1 ОКТЯБРГАЧА.

Адрес: 700100, Тошкент шаҳри, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй, аспирантура бўлими.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қошидаги «Главсредазирсовхозстрой» га қарашли
ИЛЬИЧ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ
1988-1989 ўқув йили учун
кундузги ва сиртқи бўлимларга
қуйидаги мутахассисликлар бўйича фақат 10-синфни битирганлардан
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ (фақат кундузги бўлимга), **АГРОНОМИЯ, ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ** (фақат кундузги бўлимга), **АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ, ЗООТЕХНИЯ** (фақат кундузги бўлимга), **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.**

Ўқиш муддати — ўрта маълумотлилар учун: «Зоотехния», «Автомобиль транспортини эксплуатация қилиш» бўлимларида 2 йилу 6 ой, «Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби» бўлимида 1 йилу 10 ой, қолган бўлимларда эса 2 йилу 8 ой.

Ҳужжатлар 10-синфни тамомлаганлардан 14 августгача, сиртқи бўлимнинг «Автомобиль транспортини эксплуатация қилиш» ва «Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби» мутахассисликларига эса 10 августгача, қолган мутахассисликларга 3 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимларда 1 августдан 21 августгача, сиртқи бўлимнинг «Автомобиль транспортини эксплуатация қилиш» ва «Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби» мутахассисликларида 10 августдан 20 августгача, қолган мутахассисликларда эса 1 ноябрдан 25 декабргача ўтказилади. 10-синфни тамомлаганлар математика (оғзаки), она тили ва адабиётидан (иншо), «Агрономия» ва «Зоотехния» бўлимларига химия (оғзаки), она тили ва адабиётидан (иншо).

«Автомобиль транспортини эксплуатация қилиш» бўлимларида қўшимча равишда шофёрлик гувоҳномаси берилади.

Техникумга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш стажига эга бўлганлар) соғлиги тўғрисида (086/У форма) медицина справкаси; 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат; ишлаб чиқариш ташкилотларидан берилган йўлланма (ишлаб чиқариш ташкилотларидан юборилганлар учун), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Қабул қилинганлар умумий тартибда ётоқхона ва стипендия билан таъминланадилар.

Техникум адреси: Жиззах области, Пахтакор райони, Акмал Икромов номли 26-совхоз, Ильич қишлоқ хўжалиги техникуми.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: умумий тилшунослик, рус тилшунослиги (профессорлар):

катта ўқитувчилар: 1-ҳозирги замон рус тили, 3-ҳозирги замон рус тили, фалсафа, таълимнинг техник воситалари ва нутқ маданияти.

Конкурс муддати — 14 августгача.

Институт адреси; 700110 Тошкент шаҳри, Академик Решетов кўчаси, 4-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АГРОСАНОАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
ғўзапоядан озиқ-овқат пектин ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар комплектини яратиш юзасидан
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс ғолибларини рағбатлантириш учун 10000 сўм ҳажмида мукофот тайин қилинган.

Конкурсда қатнашиш учун таклифларни топшириш муддати— 1988 йил 15 августгача.


Справкалар юзасидан қуйидаги телефон орқали мурожаат қилинсин: 41-09-61.

Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультети коллективи филология фанлари доктори, профессор
Саида НАРЗУЛЛАЕВАнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари маркснча-ленинча этика, эстетика ва маданият назарияси кафедраси доценти Х. А. Абдуллаева онаси
Меҳриннсо СОЛИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари Союзи правлениеси Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, правления аъзоси В. Ихтиёровга отаси Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист
Аҳмед Мухторович ИХТИЁРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• *Тингланг, томоша қилинг*

23 ИЮЛЬ, ШАНБА

МТ-I. 7.00 — Этери Анжапаридзе чалади (фортепьяно). 9.30 — Нега ва нима учун. 10.00 — Ҳужжатли фильм. 10.30 — Уй академияси. 11.00 — Фильм-концерт. 11.30 — Театр ва замон. 12.45 — Социализм мамлакатларида. 13.15 — Ҳужжатли фильм. 13.40 — Дунё воқеалари. 14.00 — Шанба — ота-оналар куни. 15.15 — Мультфильм. 15.25 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 15.50 — «Спорт, спорт, спорт». Бадиий фильм. 17.20 — Кинопрограмма. 18.00 — 1988 йил қўшиқлари. 18.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 19.20 — Халқаро программа. 20.05 — «Олтинчи». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта кўриш прожектори. 22.15 — Польша қўшиқлари Бутунittифоқ фестивали. 00.45 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Студия таништиради. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Новаторлар ва консерваторлар. 10.20 — Здоровье. 11.10 — Ҳайвонот оламида. 12.10 — Иозеф Гайди. Сайланмалар. 13.00 — Инсон институти. 14.30 — Москва — Бостон — Вашингтон телекўприги. 15.30 — Уэмбл стадионида концерт. (такрор). 17.55 — «Муҳаббатим, қайғум менинг». Бадиий фильм. 19.25 — Реклама. 19.30 — И. Архипова концерти. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Теннис. Дэвис кубоги. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта кўриш прожектори. 22.15 — «Афиша». Бадиий фильм. 23.25 — Янгиликлар. 23.35 — Волейбол. Халқаро турнир.

УзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — Шанба экрани. 10.20 — XIX Бутунittифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 10.50 — Соғлигингизни болаликдан сақланг. 11.25 — «Тогда ёз киска бўлади». Бадиий фильм. 12.45 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 13.15—«Қиёмат қарз». Спектакль. 14.55 — «Китоб дўстлари». 15.30 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 17.50 — Ровесник. 18.35 — Мультипанорама. 19.20 — «Тил — маданият кўзгуси». 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Мусиқа жавони. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта кўриш прожектори. 22.15 — «Одамлар менга ишонинг». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 18.00 — Мен яшаётган олам. 18.25 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 18.35 — Китобнинг иккинчи умри. 19.00 — Новости. 19.20 — Соэи Борбад. 20.00 — Кинолавҳа. 20.30 — Маслаҳат ва муҳаббат. 21.30— Время. 22.05 — Қайта кўриш прожектори. 22.15 — Чойхонаи мушфиқи.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Ешлик. 10.15 — Дугоналар. 11.30 — Ешлик. 12.10 — Строитель Узбекистана. 12.30 — З. Суюнова ва О. Одилов куйлайди. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.30 — Қувноқ танафус. 16.00 — Алоқада Останкинодаги радиостудия. 17.00 — Ижодкор ёшлар клуби. 18.15 — Фан уфқлари. 18.30 — Ижодиёт оламида. 19.20—ВЛКСМ 70 йиллигига. 19.50 — Халқаро кундалик. 20.15 — Вокал чолғу ансамбларининг концерти. 20.45 — Суд органлари фаолиятини яхшилайлик. 21.00 — Шанба оқшомида.

Р. — 10860. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. А. — 168. ИНДЕКС 64583.